



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВНИНГ  
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ  
МИНГЎЙЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА  
БАГИШЛАНГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ  
ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ  
ХОРИЖИЙ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАР  
ВАКИЛЛАРИНИНГ МУНОСАБАТЛАРИ  
ВА ШАРҲЛАРИ**

**ВЫСТУПЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
И.А. КАРИМОВА  
НА ПЛЕНАРНОМ ЗАСЕДАНИИ ВЫСОКОГО УРОВНЯ  
ПО ЦЕЛЯМ РАЗВИТИЯ ТЫСЯЧЕЛЕТΙΑ  
ГЕНЕРАЛЬНОЙ АССАМБЛЕИ ООН  
ОТЗЫВЫ И КОММЕНТАРИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ  
ЗАРУБЕЖНЫХ ОБЩЕСТВЕННО-  
ПОЛИТИЧЕСКИХ КРУГОВ**

**«ЎЗБЕКИСТОН»**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВНИНГ  
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ  
МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА  
БАГИШЛАНГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ  
ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ  
ХОРИЖИЙ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАР  
ВАКИЛЛАРИНИНГ МУНОСАБАТЛАРИ  
ВА ШАРҲЛАРИ**


**ВЫСТУПЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
И.А. КАРИМОВА  
НА ПЛЕНАРНОМ ЗАСЕДАНИИ ВЫСОКОГО УРОВНЯ  
ПО ЦЕЛЯМ РАЗВИТИЯ ТЫСЯЧЕЛЕТИЯ  
ГЕНЕРАЛЬНОЙ АССАМБЛЕИ ООН  
ОТЗЫВЫ И КОММЕНТАРИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ  
ЗАРУБЕЖНЫХ ОБЩЕСТВЕННО-  
ПОЛИТИЧЕСКИХ КРУГОВ**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида 2010 йил 20 сентябрь куни сўзлаган нутқи жаҳон миқёсида катта қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Ушбу китобдан ана шу нутқ матни билан бирга, хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари томонидан билдирилган муносабат ва шарҳлар ўрин олган.

Как известно, выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова 20 сентября 2010 года на пленарном заседании высокого уровня по Целям развития тысячелетия Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций вызвала большой интерес и внимание в мире.

В настоящую книгу включены текст этого выступления, а также отзывы и комментарии представителей зарубежных общественно-политических кругов.



ISBN 978-9943-01-615-6

© «ЖАҲОН» ахборот агентлиги, 2010.

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2010.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
И.А. КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ  
АССАМБЛЕЯСИНИНГ МИНГЙИЛЛИК  
РИВОЖЛАНИШ МАКСАДЛАРИГА  
БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЯЛПИ  
МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ**

Муҳтарам раис жаноблари!

Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари-

ни топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига, авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. «6+3» мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроа асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин.

2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариш борасида жиддий хавф туғдирмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг афдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандалиқни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршилиқни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршилиқка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабих ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик

биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз худудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара худудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қахру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмағига муҳтож.

Бироқ, 11—14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тарожлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бирёқлама ёндашувларни



истисно қилувчи холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг мурасага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб

барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

**Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи худуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.**

Бундай шароитда 30—40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8—9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган

зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол муаммоси — бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!

Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хомашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжга чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 ба-

равар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 барабар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 барабардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 барабардан кўпроқ, болалар ўлими 3 барабар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Масалан, 2008—2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш**

**бўйича ўз моделимиз, иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал бошдан «шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик, «янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни

давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб биледи.

Сўзимнинг якунида шунини таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун таклиф этган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Нью-Йорк шаҳри,  
2010 йил 20 сентябрь*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВНИНГ  
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ  
МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА  
БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ  
ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИГА  
ХОРИЖИЙ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАР  
ВАКИЛЛАРИНИНГ МУНОСАБАТЛАРИ  
ВА ШАРҲЛАРИ**





## **I. АФГОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Маълумки, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи бугунги куннинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон можароси — фақат бу мамлакат ёки унинг қўшнилари­нинг муаммоси эмас. Можаро оқибатлари минтақавий ва глобал хавфсизликка бевосита ва ғоят кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай шароитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўлларини топишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутмоқда. Сўнгги ўн йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Афғонистон муаммоси нафақат бевосита жўғрофий яқинлик нуқтаи назаридан, балки қатор бошқа сабаблар туфайли ҳам Ўзбекистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу мамлакатдаги вазият Марказий ва Жанубий Осиёга доимий равишда таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк давридан бошлаб Президент Ислом Кари-

мов нуфузли халқаро минбарлардан бонг уриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамасликка, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши учун қўлидан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини такрор ва такрор огоҳлантирди. Ислон Каримов афғон уруши узоқ вақт давомида фақат Афғонистон ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай пайтда ёйилиб кетиши, ҳатто узоқ денгиз ва океанлар ортидаги давлатлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бор огоҳлантирди.

Қатор экспертлар, агар жаҳон ҳамжамияти Президент Ислон Каримовнинг даъватларига ўз вақтида қулоқ осганида, бугунги фожианинг — «терроризмга қарши кураш» деб ном олган глобал ва янада вайронкор, лекин самараси кам бўлган урушнинг олдини олиш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Бугун коалиция кучлари томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танланган стратегия кутилган натижаларни бермаётганини қайд этишга тўғри келмоқда. Уруш давом этаётган ҳар бир кун жафокаш Афғонистон халқининг аҳволини янада оғирлаштириб, ушбу мамлакат муаммолари ечимини боши берк кўчага киритиб қўймоқда. Афғонистон муаммолари бўйича ўнлаб халқаро конференция ва учрашувлар ўтказилляп-

ти, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам реал амалий самара бераётгани йўқ.

Афғонистон муаммосини ҳал қилишнинг аниқ режаси йўқлиги, шу билан бирга, бу ўта оғир вазиятга қайсидир даражада «кўникиш ҳосил бўлаётгани» айниқса жиддий хавотир уйғотади.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Нью-Йорк саммитида яна бир бор жаҳон ҳамжамияти эътиборини «6+3» мулоқот гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш орқали Афғонистон муаммосини ҳал қилишнинг асосий жиҳатларига қаратди.

Ўзбекистон раҳбарининг таклифи Афғонистон муаммосини БМТ доирасида фақат сиёсий воситалар билан ҳал қилишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари негизини ташкил этади.

Ўзбекистон Афғонистон бўйича БМТ шафелигида фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳининг тажрибасига таянган ҳолда ушбу ташаббусни 2008 йилнинг апрель ойида НАТОнинг Бухарестдаги саммитидаёқ илгари сурди. 1997—2001 йилларда самарали фаолият кўрсатган ушбу гуруҳ доирасида Афғонистон можаросини бартараф этиш бўйича умумий тамойиллар ва ягона ёндашувлар ишлаб чиқилган эди. Айни мана шу мулоқот гуруҳи 1999 йилнинг июль ойида Тошкентда бир-бирига қарши курашаётган томонларнинг учрашувини тайёрлаш ва ўтказишга, «Афғонистондаги можарони ҳал қилишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси

қабул қилинишига эришди. Мазкур хужжат асосида БМТ Хавфсизлик кенгашининг тегишли қарори қабул қилиниб, унда Тошкент учрашувининг натижалари Афғонистон муаммосига сиёсий ечим топиш йўлидаги муҳим қадам, деб эътироф этилди.

Президент Ислом Каримовнинг БМТ саммитидаги нутқи ҳам, унда афгон муаммосини ҳал қилиш бўйича яна бир бор баён этилган таклифлар ҳам жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари, эксперт ва таҳлилчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон раҳбарининг нутқини шарҳлар экан, Президент Ислом Каримовнинг нутқи ихчам бўлишига қарамасдан, мазмунан ўта бойлиги ва кўтарилган муаммоларни ҳар томонлама теран очиб бериши, уларни ҳал қилиш бўйича узоқни кўзлаб ва вазмин ёндашган ҳолда иш тутиш фазилатларини намоён этиши билан алоҳида ажралиб туришини таъкидлайди.

Юртбошимиз ўзининг куйиниб айтган самимий сўзлари ва донишмандлиги билан саммит қатнашчиларининг қизиқиши ва эътиборини тортиб, ўзи илгари сурган ғояларни уларга аниқ далиллар асосида етказиб берди. Нутқ якунига етиши билан БМТ Бош Ассамблеясининг муаззам залида ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсақлари янгради.

Нуфузли халқаро кузатувчиларнинг таъкидлашича, Ислом Каримовнинг минтақамиз ва дунё-

даги долзарб муаммоларга муносабатида реализм ва прагматизм тамойиллари ўзининг яққол аксини топган бўлиб, зикр этилган масалаларнинг ечими бўйича «янги мақсад ва йўналишлар» аниқравшан белгилаб берилган, «оддий одамлар учун ҳам тушунарли бўлган хулосалар» баён этилган. Таҳлилчи ва экспертлар «Ўзбекистон раҳбари мавжуд муаммоларга жамоатчилик эътиборини жалб этишда доимо оҳангни тўғри танлай олади ва ўз нутқларини аниқ далил ва мисоллар билан бойитади, бу эса сиёсатчиларда ҳам, экспертларда ҳам, оддий одамларда ҳам унинг сўзларига бирдек қизиқиш уйғотади», деб эътироф этадилар.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида илгари сурган ғоясининг туб моҳияти ва улкан аҳамияти ҳақида чет эллик сиёсатшунослар, эксперт ва таҳлилчилар, ижтимоий-сиёсий доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан билдирилган муносабат, фикр ва шарҳлардан айрим намуналар келтирилмоқда.

## **Афғонистон**

**Доктор Ҳусайн Али Яса, инглиз тилида нашр этиладиган «Дейли аутлук Афганистан» газетаси бош муҳаррири:**

— Ўзбекистон Президенти сўзлаган нутқнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — Афғонистоннинг ўз ечимини кутаётган ва кун сайин мурак-

каблашиб бораётган муаммоларини ҳал этишнинг муқобил йўлларини излашдан иборат.

Ислом Каримовнинг афғонистонликлар ўз юрти муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари зарурлиги, Афғонистондаги урушга чек қўйилиши ва истиқболда унинг барқарор мамлакатга айланишидан, ўз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан манфаатдор бўлган давлатлар ёрдамига таяниш лозимлиги тўғрисидаги сўзлари ғоят муҳим, узоқни кўзлаб, аниқ мақсадга — афғон заминида тинчлик ўрнатишга эришишга қаратилгани, ҳар томонлама чуқур ўйлангани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Президентининг Афғонистон учун оғир бўлган ҳозирги даврда, аввало, афғон халқининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бутун Афғонистоннинг келажагини назарда тутиб, ушбу мамлакатда урушни тўхтатиш бўйича аниқ ва кенг кўламли чора-тадбирларни таклиф этгани, унинг бу борадаги қатъий ва аниқ позицияси юксак ҳурмат ва алоҳида эътиборга сазовордир.

Бундай пухта ўйланган амалий таклифлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг қатъийлигини кўрсатиш билан бирга, Президент Ислом Каримовнинг Афғонистондаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятни бутун мураккаблиги билан тасаввур этиши, уруш туфайли хонавайрон бўлган бу мамлакатда тинчлик ва фаровонликка эришишнинг аниқ ва самарали йўллари ҳақида чуқур билимга эга эканини яна бир бор яққол тасдиқлади.

## Покистон

**Саид Мушоҳид Хусайн, «Мусулмонлар лигаси» партияси бош котиби:**

— Президент Ислом Каримов минтақавий ва глобал геосиёсий вазият қандай ўзгариб боришидан қатъи назар, ўз мамлакати миллий манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилишга қодир эканини кўп бор намоён этган.

1992 йил 7 октябрда Афғонистон президенти Бурҳонуддин Раббонийнинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислом Каримов Ўзбекистонни Афғонистон орқали Жанубий Осиё билан боғлайдиган транспорт йўлаги барпо этиш режаси ҳақида гапириб, бу йирик лойиҳанинг амалга оширилиши тинчлик ва барқарорликни таъминлаши, минтақа халқларининг иқтисодий раванқ топишига хизмат қилишини таъкидлаган эди. Бугунги воқеаларнинг таҳлили Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб иш тутадиган, стратегик нуқтаи назардан фикрлайдиган улкан сиёсат арбоби эканини кўрсатмоқда. Айтиш керакки, Ўзбекистон айнан Ислом Каримов раҳнамолигида Афғонистон транспорт инфратузилмасини барпо этиш ва энергетика хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Ўзбекистонлик мутахассислар 2008 йили Афғонистоннинг шимолий вилоятлари орқали Кобулгача электр узатиш линиясини барпо этиш бўйича дастлабки лойиҳани амалга оширдилар. Шунингдек, Ўзбекистон минтақа мамлакатла-

ри орасида биринчи бўлиб, Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудида «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» йўналиши бўйича темир йўл қурилишини амалга оширди. Жорий йилда ушбу темир йўлнинг ишга туширилиши кутилмоқда.

Биз, покистонлик сиёсатчилар учун Ўзбекистон раҳбарининг Нью-Йоркдаги Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитда баён этилган сиёсий йўналишдаги учта муҳим фикри алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш лозимлиги. Иккинчидан, Ислом Каримов минтақа мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб, геосиёсий хавфсизлик учун долзарб минтақавий ташаббусни илгари сурди — яъни, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» ва «6+3» мулоқот гуруҳлари ҳақидаги таклифларни илгари сурди. Бундай ёндашув нафақат минтақадаги Афғонистон билан чегарадош олти мамлакат манфаатларини назарда тутди, балки ушбу жараёнда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган дунёдаги етакчи давлат ва тузилмаларни ҳам жалб қилишни кўзда тутди.

Учинчидан, назаримда, Президент Ислом Каримов ўз нутқида таълим соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг долзарблиги ҳақида тўхталгани жуда тўғри бўлди. Мен 2007 ва 2009 йилларда Ўзбекистонда бўлиб, бу соҳага қанчалик устувор аҳамият берилаётгани ва катта маблағ ажратилаётганига ишонч ҳосил қилган-



ман. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг таълим соҳа-сида эришаётган ютуқларига Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги ҳар қандай мамлакат ҳавас қилса арзийди.

**Ориф Аюб, «The Nation» газетаси сиёсий шарҳ-ловчиси, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича эксперт:**

— Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Афғонистонни иқтисодий ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини яна бир бор таъкид-лади. Ҳақиқатан ҳам, бу мамлакатдаги мавжуд муаммолар ҳарбий йўл билан эмас, музокаралар воситасида ечилиши лозим, шундагина турли экстремистик кучларнинг пайи қирқилади. Ўзбекистон Президентининг «6+3» мулоқот гуруҳи-ни ташкил этиш ҳақидаги ташаббусида минтақа давлатларининг Афғонистоннинг бетарафлиги-ни таъминлаш ва минтақавий барқарорликка эришиш борасидаги дипломатик саъй-ҳаракат-ларга қўшилиши зарурлиги тўлиқ ҳисобга олин-ган.

Покистон доимо Афғонистон муаммосини муҳокама қилиш ва бу масалада турли мамлакат-ларнинг манфаатларига хизмат қиладиган айрим афғон гуруҳлари таъсиридан холи, барча учун мақбул бўлган ечимни топишда ушбу мулоқот гуруҳи ўта муҳим механизм вазифасини бажари-ши мумкин, деб қарайди.

## АҚШ

**Дэвид Мартин, Стрэйер университети профессори (Виржиния):**

— Ўзбекистон Президенти Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий воситалар билан ҳал қилиб бўлмайди, деган фикрни жаҳон ҳамжамиятига етказиш учун кейинги йиллар давомида изчиллик ва қатъият билан муттасил ҳаракат қилиб келмоқда. Маълумки, «ҳарбий йўл билан тинчликка эришиш» бўйича уринишлар алоҳида йирик давлатлар томонидан кейинги 30 йил мобайнида давом эттирилмоқда. Уларнинг натижаси яхши маълум — ҳамон давом этаётган уруш. Бу эса Ўзбекистоннинг Афғонистон билан бутун чегараси бўйлаб беқарорликни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги шароитда Афғонистондаги ҳарбий кампаниянинг боришини қуйидагича изоҳлаш мумкин: тўқнашувлар авж олмоқда, лекин амалда вазият ўзгараётгани йўқ. Фақат, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, мамлакатда янги иш ўринларини ташкил этиш, одамлар учун тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириш имконини берадиган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш орқалигина вазиятни тўғри ўзанга буриш мумкин.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида барча манфаатдор томонларни Афғонистон муаммосига ўз ҳарбий ўй-фикрлари нуқтаи назаридан эмас, балки кенгроқ қарашга даъват этади. Мен Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистонга биринчи гал-

да аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал қилишда, камбағаллик, қашшоқлик ва бошбошдоқликка қарши курашиш борасида иқтисодий ёрдам кўрсатиш зарур, деган фикрига тўлиқ қўшиламан. Аслида ўн йил аввал, халқаро миқёсда маъқулланган глобал ривожланишнинг бош мақсадлари ҳам айнан шунга қаратилган эди. Бу масалаларни ҳал қилишда Афғонистон заминида яшаётган одамларнинг анъаналари ва ҳаётий қадриятлари албатта инобатга олиниши ва ҳурмат қилиниши даркор. Бугунги кунда АҚШ ва НАТО кучлари томонидан ўтказилаётган тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳарбий операция, Афғонистон аҳолиси уларга хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватламаса, узоқ чўзилиши ва бу жараён бутунлай барбод бўлиши мумкин.

Ҳарбий можаролар юз бераётган ҳудудларда, жумладан, Афғонистонда фаолият олиб бориб, кўп йиллик тажриба тўплаган БМТ манфаатдор томонлардан бири сифатида минтақа мамлакатларининг Афғонистон Ислом Республикасидаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнига ёрдам кўрсатиш борасидаги интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон бўйича умумминтақавий мулоқотнинг БМТ шафелигидаги «6+3» шаклида таклиф этган янги модели жиддий ва пухта ўрганиб чиқилишга муносибдир. Шубҳа йўқки, НАТО, АҚШ ва Россия каби жаҳондаги етакчи тузилма ва давлатлар билан бирга, Афғонистонга бевосита чегарадош мамлакат-

лар ҳам бу можарони ҳал қилиш бўйича ўз қарашларини баён этиш учун устувор даражада ҳақлидир. БМТнинг бош вазифаси шундан иборатки, у жаҳон ҳамжамиятининг вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга реал таъсир кўрсата оладиган ҳақиқий самарадор йўлдан яна чалғиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

**Ахим Коддерманн, Нью-Йорк давлат университети профессори:**

— Ўзбекистон кўп йиллардан буён БМТга аъзо давлатлар эътиборини Афғонистон муаммосига қаратиб келмоқда. Биз Президент Ислам Каримовнинг БМТнинг 1993, 1995, 2000 йиллардаги саммитларида сўзлаган нутқларида ушбу муаммони ҳал этишда муҳим ўрин тутадиган барча томонларни Афғонистондаги хунрезлик давом этишига йўл қўймасликка чақирганини яхши эслаймиз. Ўша пайтларда бу ҳаққоний давлатнинг моҳиятини, афсуски, ҳамма ҳам англаб етмади. Бу борада амалий ҳаракатлар қилиш ўрнига бу давлатни «ҳаддан ташқари ваҳима кўтариш», деб тушунилди. Лекин, вақт ўтиши билан Ислам Каримовнинг сўзлари жаҳон ҳамжамиятига пухта ўйлаб қилинган ўта долзарб мурожаат экани яққол аён бўлди. Умид қиламанки, ҳозирча бу борада ҳеч ким ҳеч қандай янги таклифни илгари сурмаётган бир пайтда БМТга аъзо давлатлар, қолаверса, ташкилотнинг ўзи вазиятга реал ёндашиб, амалий нуқтаи назардан иш тутади.

**Мартин Снечлер, Индиана университетининг иқтисодиёт бўйича профессори:**

— Афғонистондаги беқарор вазиятдан чиқиш бевосита минтақадаги қўшни давлатлар ҳамда АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россия ёрдамида амалга оширилиши керак. Толибларнинг ҳарбий ҳаракатлари аллақачон Афғонистон ерларининг шимолий қисми ва мамлакат жануби-ғарбидаги пуштунларнинг ҳудудларини қамраб олди. Эҳтимол, яқин вақт ичида Афғонистон полицияси ва армиясини қўллаб-қувватлаш зарур бўлади, бу эса хорижий инструкторларнинг иштирокини тақозо этади.

## **Буюк Британия**

**Сиддхарт Саксена, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси, профессор:**

— Президент Ислом Каримов ўзининг теран ва ёрқин нутқида асосий эътиборни ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга, шунингдек, хавфсизлик масалаларига қаратди. Унинг Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири, балки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга, ўз фуқаролари учун ҳам, дунё халқлари учун ҳам бирдек муҳим бўлган тинчлик ва хавфсизлик ишига содиқлигини намоён этаётган мамлакат экани тўғрисидаги фикрлари ҳаммада кучли таассурот қолдирди.

Ўзбекистон раҳбарияти «афғон муаммоси»нинг мазмун-моҳиятини, тинчликни сақлаш учун хавфсизлик кучларидан қандай фойдаланиш ке-

раклигини, шунингдек, тадрижий равишда иқтисодий ривожланиш учун қандай тузилмаларни яратиш зарурлигини яхши англайди. Ислом Каримов баён этганидек, Афғонистонда тинчликни таъминлашда, бинобарин, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини ривожлантириш концепцияси ва механизмини ишлаб чиқишда БМТ ва халқаро ҳамжамиятнинг ҳар томонлама ёрдами зарур.

Афғонистон муаммосига комплекс ёндашув ва уни теран англаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатидир. Ислом Каримовнинг БМТ саммитидаги нутқи ҳам буни яққол тасдиқлади.

**Ширин Акинер, Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг илмий ходими:**

— Президент Ислом Каримовнинг нутқида асосий минтақавий муаммолар ишончли ва ихчам тарзда очиб берилган. Ўзбекистон раҳбари ривожланиш учун амалий чораларни таклиф қилади. Дарҳақиқат, Афғонистон беқарорликнинг асосий манбаи бўлиб, бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклиф имкон бориша тезроқ ҳаётга татбиқ этилиши даркор.

## **Франция**

**Жак Бара, «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори:**

— Сўнги йилларда Ўзбекистон ўта мураккаб минтақавий жараёнларнинг қоқ марказида

бўлиб келмоқда. Шундай юксак минбардан туриб, БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил қилиш ташаббусининг янгитдан баён этилиши ҳар томонлама тўғридир. Бундай гуруҳнинг фаолияти Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга, асосий муаммолар бўйича барча учун мақбул ечимлар топишга, шунингдек, бу мамлакатда хавфсизликни таъминлашга қаратилади.

Бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги, Афғонистонда биринчи галда иқтисодий ёрдамга, ижтимоий, инфратузилмага оид ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисидаги Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган фикрларга қўшилади. Бунда Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари, урф-одат ва қадриятларини инобатга олиш зарур.

**Ги-Оливье Фор, Сарбонна 5-университетининг социология профессори, можароли вазиятлар ва музокара жараёнлари бўйича мутахассис:**

— Ўзбекистон Президентининг нутқи минтақа учун долзарб бўлган муаммо ва вазифаларнинг ғоят аниқ, пухта ва изчил баён этилгани билан аҳамиятлидир. Мен Ислом Каримовнинг Марказий Осиёдаги мавжуд муаммолар бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган ва оқилона таклифларини, бу муаммоларнинг моҳияти ва уларни ҳал қилиш омилларини таъкидлашни истардим.

## **Э. Моссе, Франция халқаро муносабатлар институти эксперти:**

— Ислом Каримов минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб ўтди, бу, менинг назаримда, Марказий Осиёда хавфсизлик муаммоларини ҳал этишнинг тинч йўллари ни топиш учун мустақкам амалий замин яратади. Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда, жумладан, қашшоқлик ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоясиз қолишга қарши курашда тинч, барқарор ва демократик жамият шароитидагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Шу маънода, Ислом Каримовнинг таклифлари олдимизга қўйилган вазифаларга тўла мос келади ва шу борадаги талабларга ҳамоҳангдир.

## **Паскаль Бонифас, Франциянинг «IRIS» халқаро ва стратегик муносабатлар институти директори:**

— Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда юзага келган вазиятга жиддий баҳо беради. Франция жамоатчилиги кейинги вақтларда ўз мамлакатининг Афғонистондаги кампанияда иштирок этишига қарши анча кескин муносабат билдирмоқда. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, Афғонистонда коалиция кучларининг стратегияси кутилган натижаларни бермаётгани, ғарблик ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳар куни талафотлар юз бераётгани, қарама-қаршилиқ кучайиб бораётгани, Афғонистон халқининг аҳволи эса тобора оғирлашаётгани айнан шундай кескин муносабатга сабаб бўлмоқда.



Шу маънода, Ўзбекистон раҳбари санаб ўтган мамлакатлар ва ташкилотлар, жумладан, АҚШ, НАТО ва Россия Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласини ҳал қилиш бўйича БМТ шафелигидаги «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ташаббусини атрофлича ўрганиб чиқиши ва инобатга олиши керак.

### **Карим Покзод, Франция Стратегик тадқиқотлар институти эксперти:**

— Дунёдаги кўплаб эксперт ва таҳлилчилар Афғонистон бўйича сиёсий қарор Вашингтон, Токио, Париж ёки ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг пойтахтларида ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мумкин эмас, деган нуқтаи назарга қўшилади. Шу муносабат билан, икки шартни бажариш зарурати юзага чиқмоқда. Жумладан, Афғонистондаги турли халқлар, элатлар ва қабилалар ўртасида амалда самара берадиган мулоқот ўрнатиш, шунингдек, Афғонистон Ислом Республикасини тинчлик йўли билан тиклаш жараёнига қўшни давлатларни жалб этиш.

Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон бўйича «6+2» мулоқот гуруҳини қайта тиклаш ва уни «6+3» гуруҳига айлантириш борасидаги таклифи ушбу мамлакатда тинч музокаралар жараёнини ташкил қилиш йўлида ўз вақтида илгари сурилган зарур ташаббус бўлди. Аниқ дастур билан мустаҳкамланган ушбу таклиф муаммони тинч йўл билан ҳал этиш йўллари топишда реал ёрдам бериши мумкин.

Айтиш керакки, масалани ҳал қилишда, муаммонинг мазмун-моҳияти ва мураккаблигини англаб етишда, шунингдек, Афғонистон аҳолисига муайян таъсир ўтказишда Покистон, Эрон ва Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади.

**К. Жерар, Франция Халқаро ва стратегик тадқиқотлар институтининг хавфсизлик масалалари бўйича эксперти:**

— Афғонистондаги вазият узлуксиз беқарор бўлиб турган бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «6+3» мулоқот гуруҳини қайта тузиш орқали афғон заминида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш бўйича самарали дастур ишлаб чиқишга қаратилган ташаббуси Афғонистон аҳолисини тинч ҳаётга қайтариш борасида муҳим қарорлар қабул қилишда амалий самара берадиган механизмга айланган бўлур эди.

## **Бельгия**

**Ирнерио Семинаторе, Европа халқаро муносабатлар институти президенти:**

— Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш йўллари излаб топишга асосий эътибор қаратиб, ушбу мамлакатдаги урушнинг ҳар бир куни халқнинг ночор аҳволини янада ёмонлаштираётганини, таълим йўлида ғов бўлаётганини, бу юртда тинчлик ўрнатишни тобора ортга сураётганини ҳаққоний равишда қайд этди.

Президентнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган ва оқилона нутқи айтилиши ҳақиқатни акс эттириб, экспертлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар учун аниқ-равшан йўналишларни белгилаб беради.

## Япония

**Тецужи Танака, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори:**

— Президент Ислам Каримовнинг нутқи дунё ҳамжамияти учун ғоят муҳим масалаларни қамраб олгани билан долзарб аҳамият касб этади.

Мен Ўзбекистон Президентининг афғон муаммосини ҳал этиш учун БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш бўйича ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман. Афғонистон ҳукуматига иқтисодий кўмак бериш — ушбу ташаббуснинг энг муҳим жиҳатидир. Бу мазкур мамлакатда ҳаёт даражасини юксалтиришга, кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишга ёрдам беради.

**Тошио Тоура, Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули:**

— Марказий Осиёда Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар, Қирғизистондаги этник низолар, шунингдек, Орол денгизининг экологик инқирози билан боғлиқ турли муаммолар тўпланиб қолган.

Бундай вазиятда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти юзага келаётган муаммоларни тинч

йўл билан самарали ҳал этиш учун қатъий саъй-ҳаракат кўрсатмоқда. Бироқ, биргина Ўзбекистоннинг ўзи минтақавий ва глобал миқёсдаги масалаларни халқаро майдонда илгари суриши мураккаб, албатта.

## **Корея Республикаси**

**Пак Му-Жон, «Корея таймс» газетаси президенти:**

— Халқаро майдонда ўз қарашлари ва ёндашувлари билан йилдан-йилга эътибор қозонаётган Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқи орқали ўзини юксак масъулиятли ва узоқни кўра биладиган сиёсий етакчи сифатида яна бир бор намоён этди.

Ушбу нутқда минтақанинг фақат Марказий Осиё халқларига боғлиқ бўлмаган энг оғриқли муаммолари ҳам ўз ифодасини топди. Минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигига таъсир этаётган Афғонистон муаммоси шулар жумласидандир. Бу муаммони ҳеч ким Ўзбекистон раҳбари каби яхши билмайди ва тушунмайди. Унинг БМТ Бош Ассамблеяси саммитида Афғонистон бўйича илгари сурган фикрлари ва ташаббуслари келгусида афғон муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорлик учун асос бўла олади.

## **Ҳиндистон**

**Кулбхушан Варику, Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет қошидаги халқаро тадқиқотлар**

**мактабининг Марказий Осиёни ўрганиш бўйича дастури директори:**

— Президент Ислом Каримов бепоён Евро-осиё худудидаги барча мамлакатларнинг диққат марказида турган энг долзарб масалалар хусусида сўз юритди. Афғонистон, экология муаммолари, яқиндан бошлаб эса Қирғизистон ўз таъсир доирасига эга бўлиш учун кескин кураш кетаётган Марказий Осиё минтақасидаги муаммолар силсиласининг олдинги қаторида тургани шулар жумласидандир.

Президент Ислом Каримовнинг музокаралар жараёнига НАТОни ҳам жалб этган ҳолда, Афғонистон муаммоси бўйича «6+3» гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш ҳақидаги пухта ўйланган ташаббусида ушбу мураккаб масаланинг асосий жиҳатлари ҳисобга олинган бўлиб, юзага келган вазиятдан чиқишнинг энг мақбул йўллари таклиф этилади.

## **Исроил**

**Владимир Месамед, Қуддус университети профессори:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқи бу давлат раҳбарининг нафақат ўз мамлакати ёки Марказий Осиё минтақасини ташвишга солаётган, балки бутун дунё миқёсидаги муаммоларга эътибор қаратгани билан ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Унинг афғон муаммосини ҳал этишдан астойдил манфаатдорлиги ҳар қандай одамда ҳурмат

уйфотади. Дунё аҳли яхши тушунадики, бу муаммони ҳарбий йўл билан ечиш мумкин эмас, бинобарин, бир неча ўн йиллардан буён давом этаётган қон тўкишлар узоқ кутилган тинчликка олиб келмаяпти. Ўзбекистон раҳбари коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган йўли кутилган натижани бермаётганини тан олишга дунё жамоатчилигини яна бир бор даъват этди. Бундан икки йил аввал илгари сурилган, БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузишни кўзда тутадиган Ўзбекистон ташаббуси нима учун қабул қилинмаслиги керак?

Ўзбекистон раҳбари фақат афғонларнинг ўзигина ўз муаммосини бошқалардан кўра яхшироқ ҳал этиши мумкин экани ҳақидаги бу ташаббуснинг моҳиятини бир неча бор тушунтириб берди. Ва албатта, келажакда Афғонистонда урушнинг тугаши ва тинч-осуда ҳаёт қарор топишидан манфаатдор бўлган давлатлар бу борада унга ёрдам қўлини чўзиши керак. Табиийки, Афғонистонга чегарадош бўлган Ўзбекистон ҳам ўз жанубида тинч ва гуллаб-яшнаётган қўшни бўлишидан бошқалардан кўра кўпроқ манфаатдордир. Мен Ўзбекистон Президентининг бундай нуфузли анжуманда билдирган фикрлари ва илгари сурган ташаббуслари рўёбга чиқишини истардим.

**Александр Цинкер, Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари институти директори, Сайлов тизимлари халқаро маркази (ICES) раҳбари:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТнинг Мингйиллик ривожла-

ниш мақсадлари бўйича ялпи мажлисидаги нутқда афгон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган йўли кутилган натижани бермаётганига барчанинг эътиборини қаратди. Шунингдек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш учун муқобил йўллارни излаб топиш талаб этилади.

Бу вазиятда Президент Ислон Каримов томонидан 2008 йилдаёқ илгари сурилган, бешта асосий вазифани рўёбга чиқаришдан иборат «Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш харитаси»ни эсга олиш зарур. Бу ҳужжат фақат Афғонистоннинг ўзига тааллуқли ички муаммоларни ҳам, барча қўшни давлатлар ва халқаро ташкилотлар иштирокида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ҳам қамраб олади. Улар қаторига, биринчи навбатда, тинчлик ўрнатиш учун масъул бўлган АҚШ, НАТО, Россияни, шунингдек, Афғонистонга бевосита қўшни бўлган мамлакатларни киритиш зарур.

Ўша вақтдаёқ Ўзбекистон Президенти Афғонистонда давлат ва жамият қурилиши, ҳокимият бошқарувини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳани тиклаш ва аҳоли бандлиги билан боғлиқ ўтқир муаммоларни ҳал этишга доир масалалар ечимининг муҳимлигини кўра билган эди.

Бугунги кунда «6+3» мулоқот гуруҳи фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Бу гуруҳнинг вазифаси — Афғонистондаги қарама-қарши кучларга ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мам-

лакатда парокандаликни келтириб чиқараётган ўткир муаммо ва зиддиятлар бўйича барча учун маъқул ечим топиш, хавфсизликни таъминлаш ва зарурий кафолатларни беришдан иборат.

## Россия

**Ирина Звягельская, тарих фанлари доктори, профессор:**

— Ўзбекистон раҳбари томонидан 2008 йилдаёқ таклиф этилган БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш таклифи ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳануз давом этаётган уруш ҳар куни Афғонистон халқининг шундай ҳам ночор аҳволини баттар оғирлаштираётган ва муаммонинг ечимини янада мураккаблаштираётган. Юзага келган ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари излаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида шуни аниқраван қайд этдики, Афғонистон Ислом Республикаси муаммолари афғонларнинг ўзлари томонидан, хавфсизлик нуқтаи назаридан бу мамлакатда урушнинг тугаши ва истиқболда Афғонистоннинг барқарор ривожланишидан манфаатдор бўлган мамлакатлар кўмагида ҳал этилиши даркор.

Ислом Каримов ўз нутқларида доимо тўғри оҳангни топа олади ва уларни далил ва мисоллар билан бойитади. Ўзбекистон раҳбари ҳамиша ўткир масалаларни кўтариб чиқади ва уларнинг



ечими бўйича эътиборли таклифларни илгари суради. Бу эса сиёсатчилар учун ҳам, экспертлар жамоатчилиги учун ҳам ғоятда қизиқарлидир.

**Елена Кузьмина, Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг собиқ совет давлатлари иқтисодий тараққиёти сектори раҳбари:**

— Президент Ислон Каримов бутун Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон хавфсизлиги ва ривожланишининг энг долзарб муаммоларини ғоят аниқлик билан кўрсатиб берди.

Афғонистон билан боғлиқ комплекс муаммоларга қарши курашининг кўп йиллик тажрибаси уларни ҳарбий йўл билан ечиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Ўзбекистон таклиф этган «6+3» мулоқот гуруҳи, ҳақиқатан ҳам, бутун минтақада вазиятни юмшатишга олиб келишда, Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш билан боғлиқ қатор муаммоларни дипломатик йўл билан ҳал этишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Айниқса, аҳоли қашшоқлигини бартараф этишга доир иқтисодий лойиҳалар бўйича дунё ҳамжамияти ҳамкорлигининг зарур экани ҳақида гапирар экан, Президент мутлақо ҳақдир.

**Азат Примов, россиялик сиёсатчи:**

— Дунё ҳамжамияти учун бундан икки йил аввал Афғонистон бўйича таклиф этилган «6+3» мулоқот гуруҳи бугунги кунга келиб аллақачон фуқаролар уруши ва этник қарама-қаршиликларнинг барча белгиларини ўзида намоён этаётган минтақавий муаммо ва ўттиз йилга чўзилган ни-

зонинг ечимига доир ёндашувнинг деярли ягона йўли бўлиб қолди.

Менимча, Афғонистондан коалиция кучларининг олиб чиқилиши билан тегишли давлатлар ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда АҚШ, Россия, НАТО, БМТ, шунингдек, қўшни давлатлар Афғонистонда барқарорликни таъминлаш йўллари излашга мажбур бўлади. Ўзбекистон таклиф этган «6+3» мулоқот гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш ана шундай йўллардан биридир.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов янги мингйиллик арафасидаёқ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли машҳур асарида минтақадаги воқеаларнинг бундай ривожланиши мумкинлигига эътибор қаратган эди.

### **«ИНТЕРФАКС» агентлиги:**

Мазкур агентлик Ўзбекистон Президентининг БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш бўйича ташаббусларига ўқувчилар эътиборини қаратади.

Ўзбекистон Президентининг иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий инфратузилмалар ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммосини, қашшоқликка ва ҳуқуқсизликка қарши курашиш бўйича ўткир масалаларни ҳал этиш, Афғонистон халқи риоя қилиб келаётган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар ва исломий қадриятларга ҳурмат кўрса-

тиш нечоғлиқ аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

Қирғизистон жанубида сўнгги пайтда содир этилган қонли воқеалар бўйича Ўзбекистон ёндашувини алоҳида таъкидлар экан, Ислом Каримов бу жиноятларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчи ва ижрочиларини қонуний жавобгарликка тортиш учун мустақил халқаро текширув ўтказишга чақирди ва Ўзбекистон Президенти бунда БМТ кўмагига умид билдирди, дея хабар беради «ИНТЕРФАКС».

## Украина

**Сергей Толстов, Сиёсий таҳлил ва халқаро тадқиқотлар институти директори:**

— Ислом Каримовнинг нутқи ишончли оҳанги ва теран мазмуни билан кўпчиликда алоҳида қизиқиш ва эътибор уйғотди. Афғонистон муаммоси ҳарбий ечимга эга эмаслиги, «Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича коалиция кучлари танлаган стратегия кутилган натижани бермаётгани» тўғри кўрсатиб ўтилди. БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш бўйича НАТОнинг Бухарест саммитида (2008 йил) Ислом Каримов томонидан илгари сурилган таклиф яна бир бор ўз тасдиғини топди.

«Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари»ни излашга доир таклиф ғоят ҳаққонийдир. Ўзбекистон ташаббусларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, Афғонистон муаммоси «афғонларнинг ўзлари

томонидан, хавфсизлик нуқтаи назаридан, бу мамлакатда урушнинг барҳам топиши ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлган мамлакатлар кўмагида ҳал этилиши керак». Булар қаторига бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун бевосита масъул ва алоқадор бўлган АҚШ, НАТО ва Россия, шунингдек, Афғонистонга қўшни мамлакатлар киритилган.

Ислом Каримовнинг нутқида «6+3» мулоқот гуруҳининг муҳим мақсади «қарама-қарши томонлар»га Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, мамлакатдаги парокандаликка сабаб бўлиб турган асосий муаммо ва зиддиятларга ечим топиш, хавфсизликни таъминлаш ва зарур кафолатларни беришдан иборат бўлган дастур таклиф этиши зарурлиги қайд этилди. «Мулоқотлар барча асосий қарама-қарши кучлар билан олиб борилиши керак»лиги таъкидлаб ўтилди.

**Виталий Кулик, Украина Стратегик тадқиқотлар миллий институти директори маслаҳатчиси:**

— Президент Ислом Каримовнинг нутқи инсоният олдида турган янги таҳдидларга эътибор қаратиш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом Каримовнинг БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ҳақидаги ташаббуси нуфузли халқаро экспертлар томонидан ҳар томонлама ўрганишга муносибдир. Ушбу лойиҳанинг моҳияти шундан иборатки, Афғонистон муаммоси, энг аввало афғонларнинг ўзлари томонидан ҳал этилиши лозим. Бу борадаги музо-

каралар барча асосий қарама-қарши кучлар билан олиб борилиши керак.

## Озарбайжон

### **«Trend.az» ахборот агентлиги:**

— Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Афғонистондаги вазиятга ва Қирғизистондаги фожиали воқеаларга алоҳида эътибор қаратди. У «шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш» учун Ўзбекистон барча чораларни кўрди, деб таъкидлади.

## Миср

### **«МЕНА» Миср ахборот агентлигининг «Асия ал-Вуста» интернет-сайти:**

— Ўзбекистон раҳбари БМТ минбаридан сўзлаган нутқи давомида долзарб халқаро муаммоларнинг ҳал этилишига уруш ва низолар тўсқинлик қилаётганини, бу Афғонистон мисолида ёрқин кўзга ташланаётганини таъкидлади. Бу борада Ислон Каримов «бугун шу нарса тобора ўз тасдиғини топмоқдаки, афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиш мумкин эмас, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича тутган йўли кутилган натижани бермаяпти. Давом этаётган урушнинг ҳар бир куни Афғонис-

тон халқининг аҳволини оғирлаштирмоқда ва муаммонинг ечимини янада мураккаблаштирмоқда» деб уқтириб ўтди.

Ўзбекистон Президентининг фикрича, ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини излаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Улар қаторида Ўзбекистон томонидан 2008 йилдаёқ таклиф этилган БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси муҳим роль ўйнаши мумкин.

## Туркия

**«Yeniasya» турк электрон газетаси:**

— Ўзбекистон Президенти афғон масаласига тўхталиб, Афғонистондаги муаммони ҳал этишда маҳаллий аҳолининг анъаналари, урф-одат ва исломий қадриятларга таяниш лозимлигини таъкидлади.

Афғонистондаги 30 йиллик ҳарбий ҳаракатлар бунинг тасдиғидир. Шу муносабат билан БМТ шафелигида Афғонистонга қўшни давлатлар, шунингдек, АҚШ, Россия ва НАТО иштирокидаги «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ҳақидаги Ўзбекистоннинг таклифи алоҳида аҳамиятга эга.

## II. ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугун жаҳон ҳамжамияти Қирғизистондаги вазиятни — 2010 йилнинг июнь ойида даҳшатли қонли воқеалар содир этилган, уларнинг оқибатида юзлаб одамлар ҳалок бўлган, ўн минглаб тинч фуқаролар жабр кўрган мамлакатдаги вазиятни диққат билан кузатмоқда. Ўш ва Жалолобод вилоятларида жиноий гуруҳлар томонидан амалга оширилган оммавий қирғинлар, уйларга ўт кўйилиши, бегуноҳ одамларнинг ўлдирилиши бутун маърифий дунё аҳлини чуқур ташвишга солди.

Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаётганидек, Ўзбекистон раҳбари Қирғизистондаги фожиали воқеалар давомида фавқулодда улкан сиёсий ирода эгаси эканини, донишмандлик, узоқни кўра билиш ва оғир-вазминлик билан иш тутиш фазилатларини намойиш этди. Ўша пайтда ҳиссиётлар ҳаддан зиёд жунбушга келганига қарамасдан, Ўзбекистон раҳбарияти кўшни давлатдаги вазиятга бевосита аралашидан, шошма-шошарлик билан хавфли қарор қабул қилишдан ўзини тия билди.

Ўзбекистон ўз ҳудудида юз минглаб қирғизистонлик қочоқларни қабул қилиб, улар учун бар-

ча шарт-шароитни яратиб берди, зарур нарсалар билан таъминлади. Фожианинг кенг ёйилиб кетишига йўл қўймаслик ва уни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича ўзига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширди. Қирғизистон билан чегаранинг ишончли тарзда қуриқланиши таъминланди, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида миллатлараро ҳамжиҳатлик сақлаб қолинди.

Ўзбекистон раҳбариятининг жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича зудлик билан амалга оширган ҳаракатлари, шунингдек, ҳар томонлама пухта ўйланган ва оғир-вазмин позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун, кўплаб халқаро ташкилотлар ва қатор хорижий давлатларнинг раҳбарлари, шунингдек, Қирғизистон Республикасининг ўтиш даври Президенти Р.Отунбаева Президент Ислом Каримовга Қирғизистоннинг жанубидаги фожиали воқеаларни ҳал қилиш бўйича кўрган оқилона чора-тадбирлари учун миннатдорлик билдирдилар.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон раҳбарининг узоқни кўра билиш қобилияти, сиёсий донишмандлиги бўлмаганида эди, ҳозирги пайтда бутун Марказий Осиё даҳшатли уруш олови ичида қолиб кетган бўлар эди».

Қирғизистон жанубидаги қонли воқеалар пайтида Президент Ислом Каримов мураккаб, айни пайтда қатъий ва ягона тўғри йўлни танлади ва бунда қирғиз халқининг ақл-идроки ва донишмандлиги унинг бошига тушган синовларни ен-



гиб ўтиш имконини беради, деб ишонч билдирди. Ўзбекистонда бир оддий ҳақиқатни тўғри англашади — ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келган ва ҳали яна кўп асрлар мобайнида бу ерда уларнинг авлодлари ҳаёт кечиради.

Бугун Қирғизистондаги, айниқса, унинг жанубий худудларидаги вазият ҳамон танглигича қолмоқда. Давлат бошқарув органларининг тўлақонли фаолият юритиши мураккаблашган, мамлакатда тартиб ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд. Ҳануз сақланиб қолаётган, ўзаро тўқнашувларни келтириб чиқариш хавфи катта бўлган қалтис вазият жаҳон ҳамжамиятида, аввало, Қирғизистонга кўшни давлатларда ҳақли равишда ташвиш уйғотмоқда. Шундай бир шароитда Президент Ислом Каримов томонидан БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича Нью-Йоркда бўлиб ўтган саммитида билдирилган, Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар ҳамда ушбу мамлакатда қарор топаётган мураккаб вазиятга доир қатъий позиция ва баҳо муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Ислом Каримов БМТнинг юксак минбаридан ушбу воқеалар бўйича холис ва мустақил халқаро текширув ўтказилишини талаб қилди. Фақат БМТ, демак, бутун халқаро ҳамжамият кўмагида холис халқаро текширув ўтказилиши мумкин ва шундагина фожа сабабчиларини аниқлаш, ташқаридан туриб бу фожиани уюштирган ифвогар ва буюртмачиларнинг асл қиёфа-

сини фош қилиш билан бирга, Қирғизистонда истиқомат қиладиган барча миллатлар вакиллари-нинг тинч ҳаётини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйиш имконияти туғилади.

Нуфузли халқаро эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистон Президентининг БМТнинг юксак минбаридан сўзлаган нутқини кенг шарҳлар экан, уларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбариятининг Қирғизистондаги фожиали воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини ҳар томонлама чуқур тушунишини алоҳида қайд этади.

Дунёдаги таниқли сиёсатчи ва таҳлилчилар таъкидлаётганидек, бундай пухта ўйланган ёндашув асосида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан нафақат Ўзбекистоннинг келажаги, балки бутун минтақамиз келажаги учун масъулиятни чуқур англаш туйғуси мужассам эканини кўриш мумкин. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган муносабат ва шарҳларда «Ислоҳ Каримовнинг донишмандлиги ва қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиё маърифий тараққиёт йўлидан четга чиқиб кетишининг олди олинди» деган юксак баҳолар, ҳолис ва ҳаққоний фикрлар билдирилмоқда.

## АҚШ

**Фредерик Старр, Жон Хопкинс номидаги Вашингтон университети қошидаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор:**

— Ўзбекистон Президенти БМТ эътиборини Қирғизистонда давом этаётган беқарор вазиятта

қаратгани ниҳоятда муҳим. Ўзбекистон Президентининг Ўшдаги воқеалар бўйича холис ва мустақил текширув ўтказиш ҳақидаги даъвати минтақадаги манфаатдор томонлар фаолиятида устувор аҳамиятга эга бўлиши лозим ҳамда халқаро ҳамжамият унинг натижаларига эътибор қаратмоғи зарур. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли учинчи кучлар мамлакатни Қирғизистондаги воқеалар домига торта олмади, бундан ташқари, ташқи кучлар томонидан Қирғизистоннинг заифлашиб қолган жанубидан фойдаланган ҳолда, бутун Фарғона водийсини ҳарбий қарама-қаршиликлар ўчоғига айлантиришга қаратилган уринишларнинг олдини олиш борасида айнан Ўзбекистон етакчи роль ўйнади. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига содиқлигини аниқ-равшан намоёниш этди.

### **Ахим Коддерманн, Нью-Йорк давлат университетининг профессори:**

— Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон жамоатчилигига етказмоқчи бўлган аниқ фикри шундан иборатки, Қирғизистондаги каби воқеалар ис-талган жойда, айниқса, давлатлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда қатор объектив қийинчиликларга дуч келаётган Марказий Осиё минтақасида кўлами бўйича Афғонистон можаросидан қолишмайдиган яна бир зиддият ўчоғининг аланга олишига сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан савол туғилади: Қирғизистон жанубида июнь ойида содир этил-

ган этник можаронинг даҳшатли оқибатларига қарамай, нима сабабдан ушбу мавзуга фақат Ўзбекистоннинг раҳбаригина мурожаат этди? Афсуски, мен минтақанинг бошқа давлатлари ва жаҳондаги етакчи давлатлар раҳбарларидан жаноб Президент Ислом Каримов «Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариш бўйича таҳдид солувчи» деб таъкидлаган воқеалар уларни ташвишлантираётгани ёки бу фожиаларни улар қоралаши хусусидаги фикрларини эшитмадим. Тошкентнинг можаро сабабларини ўрганиш бўйича мустақил текширув ўтказиш, айбдорларни аниқлаш зарурлиги ҳақидаги позициясини қўллаб-қувватлайман. Эҳтимол, фақат шундай чоралар орқали келгусида этник зўравонликлар такрорланишининг олдини олиш, Қирғизистон ҳудудида истиқомат қилаётган барча халқлар ўртасида ўзаро ишончни қарор топтириш мумкин бўлади.

Адолатни қарор топтириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган БМТ ва унинг ихтисослаштирилган институтлари текширувни ўтказиш вазифасини ва у бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Бинобарин, БМТ бунинг учун барча зарур ресурсларга эга.

**Парвиз Морвиж, Нью-Йорк давлат университети профессори:**

— Ўзбекистонга қўшни давлатлар ва БМТ Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ушбу мамлакатда адолатни ва ҳуқуқ устуворлигини

қарор топтиришга кўмаклашишга оид даъватига алоҳида эътибор билан қараши зарур.

## **Қирғизистон**

**Д. Жапаров, Қирғизистон Ижтимоий фанлар академияси президенти:**

— Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ўз нутқида ўз мамлакатининг Қирғизистон жанубидаги этник можаролар пайтидаги ролини ниҳоятда аниқ кўрсатиб берди. Ўзбекистон раҳбари мазкур акциядан кўзланган мақсад фақат мамлакатда бошбошдоқликни ва бошқариб бўлмайдиган вазиятни юзага келтиришдан иборат бўлмасдан, айна пайтда Ўзбекистонни шафқатсиз хунрезлик домига тортиш, пировард натижада, миллатлараро низоларни икки қўшни давлат — Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат, деганида мутлақо ҳақдир.

Ўзбекистон мутлақо ҳақли равишда БМТ кўмагида Қирғизистон жанубидаги фожиали воқеалар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказишини талаб қилмоқда.

## **Буюк Британия**

**Сиддхарт Саксена, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раҳбари, профессор:**

— Ўзбекистон Президенти Қирғизистон жанубидаги вазият гоят мураккаб ва қалтис эканини ҳақли равишда қайд этди. Ўзбекистоннинг

зўравонликнинг ёйилиб кетишига йўл қўймаслик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳарбий кучдан фойдаланишнинг олдини олишга содиқлиги, ўзига қўшни давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиши ва қочоқларни ижтимоий таъминлаши ғоят ноёб ва ибратли воқеадир. Бу, ўз навбатида, Президент Ислом Каримов томонидан давлат бошқаруви юксак даражада амалга оширилаётганини кўрсатади. Чегаранинг ҳар икки томонидаги ижтимоий кайфиятлар «учинчи кучлар» томонидан кескинлаштирилган бир пайтда Ислом Каримов ўзининг донишманд ва фидойи етакчи эканини намоён этди.

### **Ширин Акинер, Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг илмий ходими:**

— Қирғизистон жанубидаги вазият ҳамон жиддий ташвиш уйғотмоқда. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг июнь ойидаги принципиал позицияси фожианинг кенг ёйилиб кетишига йўл қўймади. Тошкентнинг бу борадаги амалий ҳаракатлари ташкилий жиҳатдан ҳам эътирофга сазовордир. Айти пайтда Ўзбекистон раҳбари юксак сиёсий тафаккурини намоёиш этиб, содир этилган оммавий тартибсизликлардан этник нафратни оқлаш учун фойдаланишга йўл қўймади. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг БМТни жалб қилиш ҳақидаги даъвати ўз вақтида билдирилди. Фақат БМТгина зарур саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ваколат ва нуфузга эга.

### **«Би-Би-Си» агентлиги:**

— Президент Ислом Каримов 2010 йилнинг 11—14 июнь кунлари Қирғизистоннинг жанубида содир этилган босқинчилик, қотиллик ва зўравонликлар бўйича халқаро текширув ўтказишга чақирди. Бундан кўзланган мақсад ушбу хунрезликларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини суд орқали жавобгарликка тортишдан иборат.

БМТнинг юксак минбаридан Президент Ислом Каримов томонидан сўзланган нутқда Қирғизистоннинг ўз-ўзини обрўсизлантирган собиқ президентлик ҳокимиятига берилган баҳога «Би-Би-Си» хабарида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда 100 мингдан ортиқ қочоқларни қабул қилиш ва уларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича кўрилган амалий чоралар тўғрисида Ўзбекистон раҳбари томонидан баён этилган маълумотлар келтирилади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг июнь воқеаларига этник ихтилофларни икки қўшни давлат — Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлангиришга уриниш, деб берган баҳоси алоҳида таъкидланади. Ушбу хабарда, шунингдек, турли ташкилотларнинг қурбонлар сони, зўравонликлар ва содир этилган жиноятларга Қирғизистон ҳукумати қўшинларининг дахлдорлигига оид далиллари, маълумот ва баҳолари ҳам келтирилади.

## Франция

**Паскаль Бонифас, Франциянинг «IRIS» халқаро ва стратегик муносабатлар институти директори:**

— Ислом Каримов нутқидаги энг муҳим жиҳат шуки, унда 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубида содир этилган фожиали воқеаларнинг Марказий Осиёдаги вазиятни беқарорлаштириш борасида жиддий таҳдид уйғотишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан ярашиш йўллари излаш жараёнида Қирғизистон, биринчи навбатда, этник асосдаги қонли воқеаларни келтириб чиқарган ва уларга сабаб бўлган хатоларни тан олиши керак.

Ўзбекистон Президенти бошбошдоқликларни ва бошқариб бўлмайдиган вазиятни келтириб чиқариш ҳамда Ўзбекистонни хунрезликларга тортишни кўзлаган мазкур хатги-ҳаракатларнинг мақсадини аниқ кўрсатиб берди. Франция ўз ҳудудида қирғизистонлик қочоқларни қабул қилгани учун Ўзбекистон ҳукуматидан миннатдордир. Чунки ўз вақтида кўрсатилган бундай инсонпарварлик туфайли зўравонлик авж олишига йўл қўйилмади, чегара ҳудудларида осойишталик сақлаб қолинишига эришилди ва экстремистик хуружларнинг олди олинди.

Мен Ўзбекистон раҳбарининг холис халқаро текширув ўтказиш ҳақидаги нуқтаи назарига қўшиламан, чунки бундай текширув қирғизлар ва ўзбекларнинг ўзаро келишувига ёрдам беради.



**Жак Бара, «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори:**

— Ўзбекистон раҳбари Қирғизистонда июнь ойида содир этилган воқеаларга алоҳида эътибор қаратгани муҳим аҳамиятга эгадир. Мен Ўзбекистон раҳбариятининг прагматик ва оғир-вазмин саъй-ҳаракатларини қайд этишни истардим. Чунки айнан шундай ёндашув туфайли Ўзбекистоннинг ушбу можарога тортилишига йўл қўйилмади, низонинг этник тўқнашувдан давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетишининг олди олинди. Бугунги кунда деярли бутун дунё ҳамжамияти Қирғизистонда содир этилган жиноятлар бўйича халқаро текширув ўтказилишини талаб қилмоқда. Европа давлатлари орасида Франция биринчилардан бўлиб шундай ташаббусни илгари сурди.

**Ги-Оливье Фор, Сорбонна 5-университетининг социология профессори, можароли вазиятлар ва музокаралар жараёни бўйича мутахассис:**

— Қирғизистондаги воқеалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳеч шубҳасиз, минтақада ташқаридан туриб бошқарилаётган можаролар эҳтимоли ва вазиятнинг беқарорлашиш хавфи кучайиб бормоқда. БМТ шафелигидаги жаҳон ҳамжамияти, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, Қирғизистондаги қонли воқеалар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказилишини талаб қилмоқда.

**Карим Покзод, Франциянинг стратегик тадқиқотлар институти эксперти:**

— 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистонда содир этилган фожиали воқеалар ҳақида сўз борганда, барча даҳшатли воқеаларни ҳамда мамлакат жанубидаги кам сонли ўзбекларга қарши ташкил этилган хунрезликларни таъкидлаш лозим. Умид қиламанки, парламентга сайлов, сўнгра президентлик сайловидан кейин бу мамлакатда вазият барқарорлашади ва июнь ойида содир этилган машъум жиноятларни халқаро экспертлар иштирокида холислик билан текшириш имкони пайдо бўлади. Қирғизистонда демократик давлат барпо этиш учун ушбу шафқатсиз, инсон табиатига мутлақо ёт бўлган хунрезликларни содир этган жиноятчиларни ва уларнинг ташкилотчиларини аниқлаш ниҳоятда зарур.

**К. Жерар, Франциянинг халқаро ва стратегик тадқиқотлар институти хавфсизлик масалалари бўйича эксперти:**

Сиёсатшуноснинг фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ҳамжамиятга оғир-вазминлик билан билдирган баёнотида Қирғизистондаги ҳақиқий аҳвол акс эттирилиши билан бирга, содир этилган фожиага унинг Марказий Осиёдаги барқарорликка таҳдид солиши нуқтаи назардан муносиб баҳо берилган.

Шу жиҳатдан қараганда, Қирғизистонда содир этилган фожиалар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказишда халқаро ҳамжамият БМТга

ёрдам бериш борасида бирлашиши зарурлиги таъкидланади.

## **Бельгия**

**Миа Богарт, Бельгиянинг «R.O.C. vzw» компанияси директори:**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи менда ва ҳамкасбларимда катта таассурот қолдирди. Шу йил июнь ойида Қирғизистоннинг жанубида содир этилган фожиали воқеалар давомида Ўзбекистон раҳбари намоён этган донишмандлик ва оғир-вазминлик фазилатларидан ҳайратга тушдим. Буларнинг барчаси қонли фожиани тўхтатиш ва унинг минтақавий можарога айланиб кетишининг олдини олишга ёрдам берди. Ишонаманки, Ўзбекистоннинг оқилона таклиф ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилади ва қўллаб-қувватланади.

## **Россия**

**Елена Кузьмина, Россия Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти собиқ совет давлатлари иқтисодий ривожланиши секторининг раҳбари:**

— Қирғизистондаги воқеалар ва қочоқлар билан боғлиқ вазиятда Ўзбекистон томонидан амалга оширилган пухта ўйланган саъй-ҳаракатлар юксак баҳоларга муносибдир. Бугунги кунда Қирғизистон жанубидаги кескинликни охиригача бар тараф этиш билан бирга, унинг қўшни давлатларга тарқалишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият

касб этади. Бу фожианинг сабабларини халқаро миқёсда текшириш вазиятни барқарорлаштириш борасидаги дастлабки қадам бўлиши мумкин.

### **Азат Примов, сиёсатшунос:**

— Ўзбекистоннинг асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз ва ўзбек халқлари бундан кейин ҳам шундай яшаши лозимлигига асосланган, Қирғизистон бўйича тутган позициясининг мазмун-моҳияти одамда, албатта, ҳурмат уйғотади. Кўплаб қурбонларга сабаб бўлган бу фитна икки халқнинг азалий дўстлигига раҳна солмаслиги керак.

Қирғизистон жанубида яшаётган ўзбеклар диаспора ҳисобланмайди, чунки улар бу ерга бошқа ҳудуддан кўчиб келган эмас, балки қадим-қадимдан ўз ҳудуди бўлган тарихий Ватани билан бирга тарих тақозосига кўра янгитдан шаклланган давлат таркибига кирган туб аҳоли ҳисобланади. Ва айнан Ўзбекистоннинг содир этилган воқеаларга аралашмаслик бўйича позицияси вазиятнинг издан чиқиб кетмаслигига ёрдам берди. Айни пайтда Қирғизистон жанубида 2010 йил июнь ойида содир этилган фожиали воқеалар Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариши мумкин бўлган жиддий таҳдид эканини унутмаслик лозим.

### **«The Moscow Times» газетаси:**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳон ҳамжамиятини Қирғизистондаги воқеалар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказишга даъват этди.

БМТ саммитидаги нутқида Ислом Каримов бундай текширув қирғизлар ва ўзбеклар ўртасидаги ҳамжиҳатликка кўмаклашади, деб таъкидлади.

«Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бирёқлама ёндашувларни истисно этадиган холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг мурасага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин», деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

## Украина

**Сергей Толстов, Сиёсий таҳлил ва халқаро тадқиқотлар институти директори:**

— Биз учун Қирғизистон жанубидаги воқеаларнинг сабаблари ва оқибатлари бўйича халқаро текширув ўтказиш ҳақида Ислом Каримов томонидан айтилган талаб ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу талаб низонинг қайта такрорланишининг олдини олишда ниҳоятда ўринли ва муҳимдир.

Президент Ислом Каримовнинг нутқида таъкидланганидек, Қирғизистонда яшовчи қирғизларнинг ўзи ҳамда кўп сонли ўзбеклар «учинчи кучлар» томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Нутқда таъкидланишича, узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат бошбошдоқлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Дарҳақиқат, 2010 йилнинг 11—14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган босқинчиликлар, қотилликлар ва зўравонликлар бўйича халқаро текширув ўтказиш муҳим вазифа ҳисобланади. БМТни ушбу воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширув ўтказишга жалб қилиш тўғрисидаги ғоя ниҳоятда ижобийдир.

**Виталий Кулик, Украинанинг Стратегик тадқиқотлар миллий институти директорининг маслаҳатчиси:**

— Ислом Каримов Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масала — Қирғизистон жанубида ўзбеклар жамоасига қарши содир этилган хунрезликларни таъкидлаб ўтди. Ушбу акциядан мақсад мамлакатда нафақат бошбошдоқлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни бу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ўзбекистон Президенти шуни таъкидладики, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчи ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш учун мустақил халқаро текширув ўтказиш зарур.

## Ҳиндистон

**Кулбхушан Варику, Жавахарлаъл Неру номидаги университет қошидаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори:**

— Президент Ислон Каримов бугунги кунда энг тажрибали ва доно сиёсатчилардан бири сифатида Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган жараёнлар ва юзага келаётган вазиятнинг барча нозик жиҳатларини теран англайди. Шу йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида содир этилган воқеаларга Президент Ислон Каримов ўз муносабатини билдирар экан, ушбу фитна ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан минтақанинг қудратли давлати бўлган Ўзбекистонни қўшни давлат билан вайронкор ва қонли қуролли қарама-қаршиликка тортишдан иборат, деб таъкидлагани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон раҳбари катта ҳаётий ва сиёсий тажрибага эга бўлмаганида, узоқни ўйлаб иш тутмаганида, эҳтимол бугун бутун Марказий Осиё даҳшатли уруш олови ичида қолиб қетган бўлар эди.

**Арун Моханти, «Евроосиё» тадқиқот жамғармаси директори:**

— Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг шу йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш тўғрисидаги даъвати ҳар томонлама асослидир. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бундай текширув ўтказиш ва содир этилган жиноятларнинг ташкилотчилари ҳамда ижрочиларини жавобгарликка тортиш Қирғизистон жанубида истиқомат қиладиган қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида ўзаро ишончни қайта тиклашда ғоят муҳим ижобий таъсир кўрсатади.

## **Исроил**

**Владимир Месамед, Қуддус университети профессори:**

— Жорий йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида содир этилган хунрезликлар юзасидан адолатли ва холис текширув ўтказиш зарур. Бу ваҳшийликларга дахлдор бўлганларнинг барчасини қатъий жавобгарликка тортиш вақти етди. Фақат шу асосдагина Қирғизистон жанубида яшаётган қирғиз ва кам сонли ўзбек миллатига мансуб аҳоли ўртасида ўзаро тотувлик ва муроСага эришиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни ўрнатишга ёрдам беради.

**Александр Цинкер, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти директори, Сайлов тизимлари халқаро маркази (ICES) раҳбари:**



— Президент Ислом Каримов 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалар салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигига эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, минтақадаги барқарорликка тааллуқлидир.

Қочоқларнинг катта оқими, чегаранинг нариги томонида яшайдиган кўплаб ўзбеклар тақдири учун куйиниш ва хавотир Ўзбекистон раҳбариятидан фожиали воқеалар бўйича зудлик билан амалий чоралар кўришни талаб қилди. Бу фожа бўйича халқаро ҳамжамият томонидан биргаликда қарор қабул қилинишини кутиб ўтирмасдан, бу воқеаларга ташқаридан туриб аралашиб зарур, деб ҳисоблайдиган қизиққон «доно»лар ҳам бўлди. Яхши ҳамки, соғлом ақл-идрок устун келди — Ўзбекистон раҳбари чуқур ўйланган ва пухта уюштирилган ифвогарона даъватларга учмади.

Ислом Каримов саммитдаги нутқида ҳам ўзининг оғир ва вазмин позициясини баён қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига йўлланган мурожаатда тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бирёқлама ёндашувларни истисно қилувчи холис ва мустақил халқаро текширув ўтказиш даркорлиги таъкидланди. Бу муаммо ҳар томонлама текширилиб, бартараф этилиши лозим. Фақат шу асосдагина портлаш хавфи бўлган мазкур минтақада фожиали воқеалар такрорланишининг олдини олиш мумкин.

## Туркия

### **«TRT-Avaz» халқаро телеканали:**

— Ислом Каримов фожиали воқеалар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш Қирғизистонда бундай воқеалар яна такрорланишининг олдини олиш имконини беришини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбари фожиали воқеалар «учинчи кучлар» томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган фитна дейиш учун барча асослар борлигини қайд этди. Президент Ислом Каримов Қирғизистонда рўй берган воқеалар минтақадаги барқарорликка жиддий хавф туғдирганига эътибор қаратди.

## Миср

### **«МЕНА» Миср ахборот агентлигининг «Асия ал-Вуста» интернет-сайти:**

— Ўзбекистон Президентининг фикрига кўра, 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистонда содир этилган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариш борасида жиддий хавф туғдирмоқда.

Ислом Каримов «қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор», деб таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, кўшни давлатлар ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига

мухтож. Аммо, мустақил халқаро текширув ўтказиш янада муҳим вазифа ҳисобланади. Тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бирёқлама ёндашувларни истисно этадиган ҳолис ва мустақил халқаро текширувни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкинлигига ишонч билдирилди. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбари БМТни фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширув ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга чақирди. Бу, ўз навбатида, кўшни Қирғизистонда ноҳуш воқеалар янада ёйилиб кетишининг олдини олиш имконини беради.

## **Озарбайжон**

### **«Trend.az» ахборот агентлиги:**

— Ислом Каримов мустақил халқаро текширув ўтказишга, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчи ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортишга даъват этди. Ўзбекистон Президенти бу борада БМТнинг ёрдам кўрсатишига умид билдирди.

### **III. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Маълумки, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида катта аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш керакки, дунё миқёсида иқлимнинг ўзгариши ва тараққиёт масалалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда, умуман барқарор ривожланиш жараёнларига бевоқиф таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш масалалари Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳозирги кундаги ўта мураккаб ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган ва бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб, йўқолиб бораётган Орол фожиаси ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этилмасдан, шошма-шошарлик билан пухта ўйламасдан, бир лаҳзалик фойда олиш мақсадида қабул қилинган масъулиятсиз қарорлар қандай жиддий экологик фалокатга олиб келиши мумкинлигидан далолат беради.

Президент Ислом Каримов юксак халқаро минбарлардан, жумладан, 1993 йили БМТ Бош

Ассамблеясининг 48-сессиясида, 2007 йили ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг мажлисида, 2009 йили Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарманинг таъсисчи давлатлари раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқларида ва бошқа чиқишларида Оролбўйида юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чоралар кўриш зарурлигига бир неча бор жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан 1995 йили Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Нукус декларацияси имзоланиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. 2008 йилда эса Тошкентда «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ҳайвонот ва наботот оламига таъсири, оқибатларини юмшатиш учун халқаро ҳамкорлик чоралари» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Сув ресурсларининг тақчиллиги, тупроқнинг емирилиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, атмосферада ифлосланиш даражасининг ошиши оқибатида юз берган иқлим ўзгаришлари, минтақамизнинг асосий дарёлари оқими шаклланадиган Помир ва Тянь-Шань тоғларидаги музликлар сатҳининг тобора қисқариб бориши — буларнинг барчаси Орол фожиаси билан боғлиқ муаммоларнинг қисқача рўйхатидир. Бугунги кунда Оролбўйида халқаро ва глобал оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик муаммолар пайдо бўлди.

Бу ҳолат БМТнинг Марказий Осиёда инсоннинг ривожланиши тўғрисидаги 2005 йилги маърузасида ўз исботини топди. Ушбу ҳужжатда Орол денгизининг қуриши нафақат минтақавий, балки глобал таъсирга эга экани таъкидланган. БМТ Бош қотиби жаноб Пан Ги Мун 2010 йилнинг апрель ойида Оролбўйига амалга оширган ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланишини бир неча бор таъкидлади.

Шу маънода, минтақамиздаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Бу дарёлар азалдан уларнинг ҳавзасида жойлашган давлатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириб келган. Ҳозирги вақтда минтақамизнинг 6 давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатларига бу масала бевосита тааллуқлидир. Бу эса ўз навбатида мазкур мамлакатлар сув ресурсларидан, биринчи навбатда, трансчегаравий дарёлар оқимидан фойдаланишда минтақадаги барча давлатлар ва бу ерда яшаётган халқлар манфаати йўлида ҳар томонлама пухта ўйланган

ҳолда ёндашиш ва қарорлар қабул қилишни тақозо этади.

Бундай шароитда 30—40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёларнинг юқори қисмида улкан гидроиншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8—9 баллни ташкил этиши ҳисобга олинса, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хатарли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Ўзбекистон раҳбари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитда БМТнинг юксак минбаридан туриб, жаҳондаги етакчи давлатлар раҳбарлари эътиборини минтақамиз учун ушбу ҳаётий муаммога яна бир бор қаратди ва юзага келган вазият бўйича ўз фикрини билдирди ҳамда ундан чиқишнинг оқилона йўларини баён этди.

Таниқли хорижий экспертлар, ижтимоий-сиёсий доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Президент Ислон Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитдаги нутқини шарҳлар экан, унда минтақамизнинг асосий муаммолари ишончли тарзда атрофлича таҳлил этилганини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг нутқи инсоният олдида турган янги таҳдидларга жавоб қайтаришнинг муқобил стратегиясини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга ва айнан шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги ташаббуси алоҳида эътиборни, жумладан, БМТ каби нуфузли ташкилотнинг диққатини ўзига жалб этади.

Акс ҳолда, мавжуд муаммо Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган ҳудудларни сув билан таъминлашни янада қийинлаштириши, қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини тезлаштириши ҳамда минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиш истиқболлини ва бу ерда яшаётган ўн миллионлаб аҳолининг келгуси ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин.

## **Буюк Британия**

**Ширин Акинер, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми илмий ходими:**

— Президент Ислом Каримовнинг нутқида минтақанинг асосий муаммолари ишончли тарзда, қисқа ва лўнда баён қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари ривожланиш истиқболлари учун амалий чораларни таклиф этган.

Президент минтақада сувдан фойдаланиш бўйича муҳим экологик масалаларни кўтарган. Айниқса, илгариги ҳаддан зиёд йирик гидроиншоотлар ўрнига кичик ГЭСларни қуриш тўғрисидаги таклиф ғоят истиқболлидир. Бу таклиф реал қийинчиликларни ҳал этишнинг амалий услублари ва аҳолини сув билан муқобил таъминлашни назарда тутди.



Яна шуниси муҳимки, Ўзбекистоннинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича саъй-ҳаракатлари улкан натижалар бермоқда. Президент Ислом Каримов таълим, соғлиқни сақлаш ва инсон ривожланишининг бошқа йўналишлари бўйича Ўзбекистонда салмоқли ютуқларга эришилганини қайд этди.

## Франция

**К. Жерар, Франциянинг халқаро ва стратегик тадқиқотлар институти хавфсизлик масалалари бўйича эксперти:**

— Президент Ислом Каримов экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш масаласи ҳозирги табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда айниқса катта аҳамият касб этишини ҳақли равишда таъкидлаб ўтди.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё трансчегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотларни қуриш бўйича илгари сурилаётган режалар катта ташвиш туғдиради. Сув-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш минтақа аҳолисини сув билан ўз вақтида таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли минтақа мамлакатлари ўртасидаги битимда мустаҳкамланганидек, сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш принципларини бузишга қаратилган ҳар қандай биртомонлама ҳаракатлар Марказий Осиёнинг барча давлатларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва уларнинг

сиёсий барқарорлиги учун номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин, деб таъкидлайди К. Жерар пировардида.

## **Ҳиндистон**

**Арун Моханти, «Евроосиё» тадқиқот жамғармаси директори:**

— Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда экологик муаммоларни ҳал этишга доир позициясига эътибор қаратишни истардим. Ушбу минтақа сув тақчиллигини бошдан кечираётган бир пайтда бу ердаги асосий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш шусиз ҳам оғир вазиятни янада мураккаблаштиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон раҳбари дунёнинг кўпгина минтақаларида экология учун самарадорлиги ва хавфсизлигини исботлаган кичик ГЭСлар қуриш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этади.

## **Корея Республикаси**

**Пак Му-Жон, «Корея Таймс» газетаси президенти:**

— Президент Ислом Каримов ўз чиқиши билан ўта масъулиятли ва узоқни кўра биладиган сиёсий етакчи эканини яна бир бор исботлади. Унинг фикри ва пазияси йил сайин халқаро майдонда янада катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг нутқида ҳал қилиниши фақат Марказий Осиёда яшаётган халқ-

ларга боғлиқ бўлмаган ўта муҳим муаммолар қамраб олинган. Жумладан, минтақадаги сув-энергетика ресурслари муаммоси йилдан-йилга кескин тус олмоқда, қуриб бораётган Орол денгизи ва унинг атрофида яшаётган аҳоли тақдири маълум даражада ушбу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ.

Пак Му-Жоннинг фикрича, бу борада халқаро ёрдам кўрсатиш Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича глобал режанинг таркибий қисмига айланиши мумкин.

## Туркия

**Меҳмет Эрол, Гази университети доценти:**

— Ислом Каримовнинг нутқида Марказий Осиёнинг барча долзарб муаммолари қамраб олинган ва шу билан бирга, Ўзбекистоннинг муайян йўналишдаги позицияси ва зарур ҳаракатлари аниқ баён этилган.

Хусусан, туркиялик эксперт шундай дейди: мен, мутахассис сифатида Марказий Осиёнинг сув-энергетика муаммоси ва у билан боғлиқ экологик муаммолар бугунги кунда барча манфаатдор мамлакатлар ҳамда жаҳон ҳамжамиятидан вазмин ва пухта ўйланган ёндашувларни талаб қилади, деб ҳисоблайман. Шу сабабли мен Ўзбекистоннинг таклифини айрим мамлакатларнинг ўйламасдан қилинган хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келадиган номақбул оқибатларнинг олдини олиш чораси сифатида қабул қиламан. Қимматга тушадиган йирик гидроиншоотлар ўрнига минтақада экологик ва техноген фалокат-

лар, юз бериш эҳтимоли бўлган «учинчи кучлар» нинг ҳийла-найранглари туфайли давлатлараро қарама-қаршиликларнинг олдини олиш мумкинлиги нуқтаи назаридан хавфсиз, аммо тежамкор кичик ГЭСларни қуриш мақсадга мувофиқдир.

## **Россия**

**Азат Примов, сиёсатшунос:**

— Ўзбекистон Президентининг нутқида экологик хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, Орол муаммоси, шунингдек, Марказий Осиё дарёлари оқимини тартибга солишга уринишлар бугунги кунда яхлит ҳолда, ягона нуқтаи назардан кўриб чиқилиши мумкин. Денгизнинг қуришига ўзбошимчалик билан қилинган қатор калтабин ҳаракатлар сабаб бўлди. Энди эса дарёлар оқимини тартибга солиш бўйича пухта ўйланмаган сиёсат янада даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Минтақага тааллуқли барча муаммо ва масалалар Марказий Осиё давлатлари томонидан улардан ҳар бирининг манфаати ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бундай ёндашув минтақавий сиёсатнинг асоси бўлмоғи керак.

**Виктория Панфилова, «Независимая газета»-нинг сиёсий шарҳловчиси:**

— Ислом Каримов жаҳоннинг энг нуфузли халқаро минбарларида туриб, қуриб бораётган Орол муаммосини ҳал этиш бўйича амалий ташаббусларни бир неча бор илгари сурмоқда. Чин-

дан ҳам, бугунги кунда Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. Маълумки, Оролбўйи худуди Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши эса мазкур кенг минтақанинг, жумладан, Россиянинг жанубий вилоятларининг экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Ислон Каримов таъкидлаганидек, шундан келиб чиққан ҳолда, нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

### **Майя Косих, Россия Миллий янгиликлар агентлиги (ANN-News) бош муҳаррири:**

— Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ўз нутқида экология ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш муаммоларига тўхталди.

Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида даярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баробар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баробар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтириб қўйди. Натижада бу ердаги қарийб жами ҳайвонот ва

наботот олами деградацияга учради ва йўқолиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун 2010 йили Оролбўйига амалга оширган ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

«ИНТЕРФАКС» агентлиги Президент Ислом Каримовнинг Орол денгизи минтақасида юзага келган мураккаб экологик вазият ҳақидаги сўзларига эътибор қаратди. «Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади», деб қайд этади агентлик.

«Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши

мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай шароитда 30—40 йил аввал ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида гигант плотинали йирик гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин. Нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди», деб ёзади агентлик.

## Украина

**Виталий Кулик, Украина Миллий стратегик тадқиқотлар институти директори маслаҳатчиси:**

— Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг нутқи инсоният олдида турган янги таҳдидларга жавоб беришнинг муқобил стратегиясини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир илгари сурилган ташаббус ҳам жиддий эътиборга лойиқ. Бугунги кунда сув, экология, атроф-муҳитни асраш муаммолари глобал аҳамият касб этмоқда. Орол фожиаси ва унинг оқибатлари одамзод учун ўнглаб бўлмас даражага етиши мумкин ва фақат жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, халқаро молиявий институтларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайлигина яқин келажакда Оролбўйида юзага келган нафақат экологик, балки ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни ҳам ҳал этса бўлади.

## Япония

**Тецужи Танака, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори:**

— Президент Ислом Каримовнинг нутқи жуда долзарб ва минтақавий хавфсизлик, Орол денгизи генофондини муҳофаза қилиш ва авайлашга доир зарурий чора-тадбирлар, Марказий Осиё мамлакатлари томонидан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби жаҳон ҳамжамияти учун муҳим бўлган масалаларни қамраб олган. Шу билан бирга, маърузада Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон раҳбари ўз вақтида минтақа сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларда ушбу дарёларнинг қуйи қисмида истиқомат қиладиган аҳоли ҳаётига хавф туғдирадиган йирик гидроиншоотлар қурилишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ўзаро мақбул бўлган механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида БМТнинг ихтисослаштирилган бўлимларини бу масалага янада фаолроқ жалб этиш зарур.

**БМТ янгиликлар маркази:**

— Ислом Каримов нутқида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласининг на-



қадар муҳимлиги алоҳида қайд этилган. Ушбу муаммоларга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш Орол денгизининг қуришига олиб келди, бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти мобайнида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, «бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди».

#### **IV. МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ МИЛЛИЙ МИҚЁСДА АМАЛГА ОШИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси ўзининг 19 йиллик мустақил тараққиёти давомида биртомонлама ривожланган, хомашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиётга, ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган республикадан янги ва улкан марраларни кўлга киритаётган ва бунинг натижасида тобора обод бўлиб бораётган мамлакатга айланди ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ҳозирги вақтда БМТга аъзо давлатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга фаол қизиқиш билдирмоқда. Ва бу бежиз эмас. Ўзбекистон жадал ва изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини намоён этмоқда. Мамлакатимиз дунёда биринчилардан бўлиб жаҳон молиявий инқирози оқибатларини енгиб ўтди ва 2009 йили юртимизда ялпи ички маҳсулот — 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 9 фоизга ўсди. 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган давр мобайнида аҳолининг харид қобилияти кўрсаткичлари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,7 марта ўсди.

Дунёдаги нуфузли экспертлар глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон томонидан иқтисодиёт ўпирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар ва инқироз оқибатларини юмшатиш йўлида қўйилган қадамларни юксак баҳоламоқда. Инқирозга қарши туриш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш жараёнида Ўзбекистонда 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилинган катта роль ўйнади.

Мустақиллик йилларида давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Натижада оналар ўлими даражаси 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баробар камайди. Юртимизда қизамиқ, дифтерия, ичтерлама каби касалликлар деярли тўлиқ барҳам топди. 1990—2009 йиллар мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Аҳоли умумий сонига нисбатан ўта қашшоқ аҳолининг улуши 1990 йилги 68 фоиздан камида 5 фоизга қисқарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган мамлакатни демократлаштиришнинг ўзига хос модели, иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун усту-

ворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти аввал-бошдан «шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурлардан воз кечди, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танлади. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», шунингдек, «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган тамойиллар бу жараёнда асос қилиб олинди.

Ўтган давр мобайнида, шу жумладан кейинги икки ўн йилликда собиқ тузумдан қолган оғир мерос таъсирида кечган мураккаб жараёнларнинг экстремал оқибатларига қарамай, тараққиёт ва ислоҳотларнинг ўзбек модели ўзини тўлиқ оқлади ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда, деб таъкидлашга бугун барча асосларимиз бор.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2010—2015 йилларда ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича ҳадли дастурида Ўзбекистон учун Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда ёрдам кўрсатиш масаласи БМТнинг мамлакатимизда амалга оширадиган фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Мингйиллик мақсадлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва жамиятни ислоҳ этиш борасидаги миллий устувор йўналишлари билан сезиларли даражада ҳамоҳангдир.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, суд-ҳуқуқ тизимини янгилаш масалалари бўйича БМТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишда катта тажриба тўплади. Ушбу йўналишда Ўзбекистон улкан ютуқларга эришди ва улар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Президент Ислом Каримов нутқининг Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга бағишланган бўлими нуфузли халқаро экспертларда катта қизиқиш уйғотди ва уларнинг жиддий эътиборини ўзига жалб этди.

Улар берган шарҳларда Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий, босқичма-босқич йўли, инқирозга қарши чораларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва банк-молия тизимининг ишончли фаолияти туфайли кўлга киритилаётган иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Қуйида айрим хорижий экспертларнинг Президент Ислом Каримов нутқининг Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга бағишланган қисмига доир фикр-мулоҳазалари ва холис баҳолари келтирилмоқда.

**Анита Нироди, БМТ резиденти-координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда ва мамлакатингизда Мингйиллик мақсадларига эришишга нечоғлиқ катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ишончим комилки, Президент Ислом Каримовнинг яқинда БМТ бош қароргоҳида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлаб ўтказилган саммитдаги иштироки ушбу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида юқори барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий соҳада, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги дастурларнинг самарали амалга оширилиши туфайли изчил ривожланиш кузатилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва кўрилган тегишли амалий чора-тадбирлар глобал иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишда муҳим омил бўлди. Бу Ўзбекистонга Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидан қатъият билан бориш ва бу борадаги кенг кўламли ишларни самарали давом эттириш имконини берди.

Ўзбекистонда икки вазифа муваффақиятли бажарилди — бошланғич ва ўрта таълим тизими-

да гендер тенглигига, оналар ўлимини учдан бир баробарга қисқартиришга эришилди. Шу билан бирга, болалар ўлимини камайтириш ва умумий бошланғич таълимга эришишга оид мақсадлар бўйича ҳам яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига доир бошқа вазифаларни бажариш учун самарали миллий сиёсат ва миллий дастурлар ижросини изчил давом эттириш, статистика маълумотларини тўплаш ҳамда уларни таҳлил қилиш ишларини янада такомиллаштириш тақозо этилади.

БМТ Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини зарур маслаҳатлар бериш, дастурий ва техник кўмаклашиш орқали қўллаб-қувватламоқда. Бу борадаги ҳамкорлик Ривожланиш мақсадида кўмаклашиш бўйича 2010—2015 йилларга мўлжалланган ҳадли дастурга (UNDAF) мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу дастурда ўзаро ҳамкорликнинг тўртта асосий йўналиши белгиланган. Булардан биринчиси — иқтисодий фаровонликни янада оширишга кўмаклашиш; иккинчиси — таълим, соғлиқни сақлаш, тўғри овқатланиш, шунингдек, ОИВ — инфекция тарқалиши ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда чақалоқларнинг соғлом ривожланишини таъминлашни ўз ичига оладиган ижтимоий хизматлар кўрсатишдан иборат. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ишларга барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этиш ва бошқарув самара-

дорлигини янада ошириш ҳамкорликнинг истиқболдаги йўналишларидандир. Ҳадли дастурда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, шунингдек, Мингйиллик декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялар ва конвенцияларнинг тамойиллари ўз ифодасини топган. БМТнинг мамлакатингизда фаолият юритаётган ташкилотлари Ўзбекистон Республикасини Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди.

## Франция

**Жак Бара, «Panthon-Assas Paris II» университети профессори:**

— Барчага маълумки, ҳозирги вақтгача кўпгина мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намён этмоқда.

Бундай изчил ривожланиш Ўзбекистоннинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнига тадрижий ёндашгани самарасидир. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун амалга оширилиши лозим». Ушбу тамойилларга риоя қилиш Ўзбекистонга Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлидан қатъият билан илгари бориш имконини бермоқда.



## Япония

**Тецужи Танака, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти директори:**

— Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган мамлакатни босқичма-босқич ривожлантириш модели бошқа мамлакатлар томонидан муваффақиятли ва намунали моделлардан бири сифатида қўлланиши мумкин ва даркор.

## АҚШ

**П. Морвиж, Нью-Йорк давлат университети профессори:**

— Президент Ислон Каримов Ўзбекистон томонидан фақат кейинги йилларда эришилган ютуқлар ҳақида тўхталди, холос. Аммо шу маълумотнинг ўзи ҳам Нью-Йоркда бўлиб ўтган, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммит қатнашчилари бўлган дунёнинг давлат раҳбарлари учун ғоят фойдали бўлди. Албатта, Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлаш соҳасида халқаро донорлар бўлган Франция, Германия ёки Япония каби бу борада баландпарвоз ваъдалар бермайди. Бироқ, Ўзбекистон жаҳоннинг барқарор ва жадал тараққий этиб бораётган, ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаб олган ва минтақавий ривожланишни илгари суришга қодир бўлган давлатлари сирасига киради. Жаҳон иқтисодий инқирозлари олдида қатъий тура оладиган, минтақавий иқтисодиётнинг ривожланган бундай

марказларисиз барқарор глобал ривожланиш мақсадларига эришиш ҳақида гапиришнинг ўзи қийин, албатта.

Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида мингйиллик мақсадларига эришишда илм-фан ва таълимнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, бу борада Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат ривожланиш соҳасида узоқ муддатга йўналтирилганини қайд этиб ўтди. Ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизини таълим соҳасига сарфлаш — бу мамлакатнинг барқарор келажаги ва экстремизмнинг олдини олиш йўлидаги улкан қадамдир.

## **Россия**

**Евгений Кожокин, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза академияси ректори:**

— Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти биртомонлама ривожланган, хомашё етиштиришга йўналтирилган, ҳалокатли пахта якка-ҳокимлиги авжига чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган республикадан янги ва улкан марраларни қўлга киритаётган, ҳар томонлама обод бўлиб бораётган мамлакатга айланди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ислом Каримовнинг маърузаси бу йўналишда катта миқёсдаги ишлар бажарилганини тас-

дикламоқда. Шу йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари ва ишончли фаолият кўрсатаётган банк-молия тизимини сақлаб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг нутқи ҳар доимгидек аниқ, лўнда ва сермазмун бўлиб, ўзида бугунги кун воқелигини ҳаққоний акс эттиради.

**Елена Кузьмина, Россия Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти собиқ совет давлатлари иқтисодий тараққиёти бўйича сектор раҳбари:**

— Ислом Каримов ўз нутқида бутун Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон хавфсизлиги ва тараққиётининг энг долзарб муаммоларини аниқ кўрсатиб берди. Шу ўринда Президентнинг аҳоли қашшоқлигини бартараф этишга доир муаммоларни ҳал этиш учун ҳамкорлик ва иқтисодий лойиҳалар доирасида жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳаракат қилиш зарурлиги ҳақида билдирган фикрлари мутлақо тўғри эканини таъкидлаш жоиз.

## **Россия Миллий янгиликлар агентлиги (ANN-News):**

— Ислом Каримов Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида Ўзбекистон томонидан қўйилган аниқ қадамлар ҳақида саммитда атрофлича маълумот берди, деб ёзади агентлик.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва натижада унинг қиёфаси тубдан ўзгарди, у жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўрсатган жиддий таъсирга қарамасдан, Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари ва ишончли фаолият кўрсатаётган банк-молия тизимини сақлаб келмоқда.

«Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз модели, иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойиллариға асосланган

ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлди», деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси раҳбари.

«Ислом Каримов таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади», деб қайд этади агентлик.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этади, ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатда Кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб миллий дастур амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Ислом Каримов нутқига асосланиб, «Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билди», деб қайд этади агентлик.

## Украина

**Сергей Толстов, Украина Фанлар академияси институти директори:**

— Ислом Каримовнинг нутқи дадиллиги ва ҳар томонлама пухта ўйлангани билан алоҳида эътиборни тортди.

Ислом Каримов нутқида билдирилган мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва ички масалаларга тааллуқли фикрлар қатъий ишонч ва кўтаринки руҳда баён этилди. Ялпи ички маҳсулот (19 йил ичида 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ўсди, давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайди) бўйича ахборот айниқса таҳсинга сазовордир. Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан жой олиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ўз олдига қўйган истиқболли, жиддий ва ишончли мақсадлари айниқса эътиборлидир.

### **Виталий Кулик, Миллий стратегик тадқиқотлар институти директори маслаҳатчиси:**

— Ислом Каримов нутқининг Ўзбекистон ривожланиш истиқболларига бағишланган якуний қисмини алоҳида таъкидлаш зарур. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди. Масалан, 2008—2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари тегишли равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда эса бу кўрсаткич 8,5 фоиз бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Дунёнинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқароларининг фаровон ҳаётини таъминлаш Ўзбекистон ўз олдига қўйган энг муҳим мақсадлардандир.

## Покистон

**Саид Мушаҳид Хусайн, «Мусулмонлар лигаси» партияси бош котиби:**

— Биз, покистонлик сиёсатчилар учун Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитда Ўзбекистон раҳбари томонидан баён этилган учта тезис айнқса аҳамиятлидир. Биринчидан, минтақада ижтимоий-иқтисодий тараққиёт лойиҳаларини амалга оширишнинг муҳимлиги. Иккинчидан, Президент Ислон Каримов минтақа мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб геосиёсий хавфсизлик учун долзарб минтақавий ташаббус — яъни, афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» ва «6+3» таклифларини илгари сурди. Бу ташаббус нафақат минтақанинг Афғонистон билан чегарадош олти мамлакати манфаатларини инобатга олади, балки бу жараёнга асосий ҳамкорларни жалб этишни ҳам кўзлайди.

Учинчидан, Президент Ислон Каримов ўз нутқида давлат томонидан таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш долзарб вазифа эканини асослаб берди. Мен 2007 йили, кейинчалик эса 2009

йили Ўзбекистонда бўлганимда бу ерда ҳам дунёвий, ҳам диний йўналишдаги таълим учун нақадар катта маблағ сарфланаётганига, шунинг натижасида мамлакатда 100 фоиз ёшлар таълим соҳасида яратилган имкониятлардан тўла баҳраманд бўлаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бундай юксак ютуққа минтақанинг ва умуман, дунёнинг ҳар қандай мамлакати ҳавас қилса арзийди.


## Хитой

**Шао Чанчун, Хитой Халқаро муаммоларни тадқиқ этиш жамғармаси Алмашинув ва ҳамкорлик маркази директори, «Таниқли хитойлик расомларининг тинчлик йўлида саёҳати» ташкилий кўмитаси масъул котиби:**

— Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари таҳсинга сазовордир. Ушбу қисқа давр мобайнида меҳнатсевар ўзбек халқи, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида, ривожланишга қаратилган аниқ дастурлар асосида турли жабҳаларда эътиборга молик муваффақиятларга эришди. Мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланмоқда, республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида, савдо-сотиқ, саноат, таълим тизими, ички ва ташқи сиёсат ва бошқа соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритди. Марказий Осиёда аҳолиси энг кўп мамлакат бўлган Ўзбекистон Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, адолатли бошқаруви туйғайли моддий фаровонлик ва маънавий юксалликка эришмоқда.



**ВЫСТУПЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
И.А. КАРИМОВА  
НА ПЛЕНАРНОМ ЗАСЕДАНИИ ВЫСОКОГО УРОВНЯ  
ПО ЦЕЛЯМ РАЗВИТИЯ ТЫСЯЧЕЛЕТИЯ  
ГЕНЕРАЛЬНОЙ АССАМБЛЕИ ООН**



Уважаемый господин Председатель!  
Уважаемые друзья!

Одним из самых серьезных препятствий, как это подчеркивается в Декларации развития тысячелетия, в борьбе с бедностью, нищетой, голодом, ростом материнской и детской смертности, эпидемиями и другими проблемами человечества являются продолжающиеся на нашей Земле войны и конфликты, сохраняющиеся межгосударственные, межэтнические и межрелигиозные противостояния.

Подтверждение этой истины мы видим на примере многострадального Афганистана, где вот уже более 30 лет не прекращаются военные действия.

Сегодня все очевидней становится факт, что военного решения афганской проблемы нет, а избранная стратегия коалиционных сил по умиротворению Афганистана не дает ожидаемых результатов. Каждый день продолжения войны еще более усугубляет бедственное положение народа Афганистана и еще больше осложняет решение самой проблемы.

В складывающейся ситуации чрезвычайно важное значение приобретает поиск альтернативных путей достижения мира и стабильности в Афганистане. В их числе, по нашему мнению, важную роль могло бы сыграть создание под эги-

дой ООН контактной группы «6+3», предложенной Узбекистаном еще в 2008 году.

Смысл и суть нашей инициативы исходят из того, что проблемы своей страны должны решаться самими афганцами при содействии тех стран, кто, исходя из своих интересов безопасности, заинтересованы в окончании войны и стабильном будущем Афганистана.

К их числу, прежде всего, необходимо отнести США, НАТО, Россию, имеющих конкретное отношение к миротворческой миссии, а также страны, непосредственно соседствующие с Афганистаном.

Важнейшая цель контактной группы «6+3» — предложить противоборствующим сторонам Программу по прекращению военных действий в Афганистане, найти компромиссные решения по основным ключевым проблемам и противоречиям, разделяющим страну, обеспечить безопасность и предоставить необходимые гарантии.

Переговоры, по нашему мнению, должны вестись со всеми основными противоборствующими силами.

При этом первоочередное внимание в Программе должно быть уделено оказанию экономической помощи, реализации социальных, инфраструктурных и гуманитарных проектов, решению проблем занятости населения, острейших задач по борьбе с бедностью, нищетой и бесправием. Необходимо проявить полное уважение многовековым традициям, обычаям и ценностям религии ислама, которых придерживается народ Афганистана.

Достижению поставленной цели могут способствовать присутствующие пока в Афганистане коалиционные миротворческие силы.

Серьезную угрозу дестабилизации обстановки в регионе Центральной Азии несут в себе трагические события, имевшие место в июне 2010 года в Киргизии.

Свержение в апреле этого года дискредитировавшей себя президентской власти, сложившиеся напряженность и противостояние, а также вакуум легитимной власти в стране, явились прологом для провоцирования на юге Киргизии жестоких кровавых событий на межэтнической почве, в результате которых погибли сотни людей и пострадали тысячи мирных граждан.

У нас сегодня есть все основания заявить, что сами киргизы и многочисленная узбекская диаспора, проживающая на юге республики, стали заложниками глубоко продуманной и хорошо организованной акции со стороны третьих сил.

Цель этой акции заключалась не только в создании хаоса и неуправляемой ситуации в стране, но и преследовала далеко идущие цели по вытягиванию Узбекистана в эту жестокую резню и в конечном итоге превращения межэтнического противоборства в межгосударственное противостояние двух соседних государств — Кыргызстана и Узбекистана.

В этой исключительно сложной взрывоопасной ситуации не допустить задуманного сценария развития событий — стало для нас тяжелей-

шей проблемой. Принять на своей территории более ста тысяч беженцев, детей, женщин и стариков, разместить, обустроить и обеспечить их всем необходимым — стоило большого напряжения сил и ресурсов. И при этом не дать разрастись жесточайшему насилию, сохранить на пограничной территории спокойствие, исключить любой взрыв эмоций, страстей и экстремизма, которые могли иметь непредсказуемые последствия.

Только разум, понимание простой истины, что на этой земле в течение многих веков совместно бок о бок жили узбеки, киргизы и еще долгие века будут жить вместе их дети и потомки, дало нам, нашему народу силы для того, чтобы предотвратить превращение этой трагедии в новый масштабный очаг противостояния в Центральной Азии.

Безусловно, сегодня Кыргызстан нуждается в оказании гуманитарной помощи и поддержке со стороны соседей и мирового сообщества.

Но не менее важной задачей является проведение независимого международного расследования погромов, убийств и насилия, совершенных 11—14 июня на юге Киргизии, для того, чтобы привлечь к судебной ответственности всех тех, кто является заказчиком, организатором и исполнителем этих кровавых злодеяний.

Убежден, что своевременное проведение объективных независимых международных расследований, исключающих всякую предвзятость и односторонний подход, твердая принци-

альная позиция международной общественности могут открыть дорогу к примирению и согласию между киргизами и узбекским меньшинством на юге Кыргызстана. Любое отступление от этих позиций может привести к повторению трагических событий, возникновению очень опасного источника напряженности на юге Кыргызстана.

В этой связи мы вправе ожидать от ООН всяческого содействия проведению независимого международного расследования трагических событий, что позволит предупредить возможную эскалацию событий в соседнем Кыргызстане.

Огромное значение для достижения целей, поставленных Декларацией тысячелетия, особенно в условиях современных аномальных природных изменений, приобретает защита экологии и сохранение окружающей среды.

Наглядным примером — свидетельством нашего безответственного отношения к проблемам экологии является трагедия Арала, который практически в период жизни одного поколения превратился из когда-то уникального красивейшего моря в высыхающий и исчезающий водоем.

За сорок лет площадь акватории Аральского моря сократилась более чем в 7 раз, объем воды уменьшился в 13 раз, в десятки раз возросла ее минерализация, сделав море непригодным для обитания живых организмов, в результате произошли полная деградация и исчезновение практически всех видов флоры и фауны.

Сегодня в Приаралье возник сложный комплекс не только экологических, но и социально-экономических и демографических проблем, имеющих планетарные последствия, в чем убедился Генеральный секретарь ООН Пан Ги Мун при посещении Арала в этом году.

В связи с продолжающимся высыханием Арала и происходящей гуманитарной катастрофой вокруг него важнейшая задача сегодня — сохранить природный биологический фонд Приаралья, сократить губительные воздействия Аральского кризиса на окружающую среду и, самое главное, на жизнедеятельность проживающих здесь сотен тысяч и миллионов людей.

Необходимо учесть, что зона Приаралья обеспечивается водой за счет стока двух основных рек — Амударьи и Сырдарьи, любое уменьшение притока этих рек — это кардинальное нарушение и без того хрупкого экологического баланса во всем обширном регионе.

И в этих условиях любые попытки реализовать проекты, которые были разработаны 30 — 40 лет назад, еще в советский период, по возведению в верховьях этих рек масштабных гидросооружений с гигантскими плотинами, тем более, если учесть, что сейсмичность зоны предстоящего строительства составляет 8—9 баллов, — все это может нанести непоправимый ущерб экологии и является причиной опаснейших техногенных катастроф, свидетелями которых мы являемся в последние годы.

Было бы гораздо рациональнее, как рекомендуют многие международные экологические орга-



низации и авторитетные эксперты, для получения на этих реках таких же энергетических мощностей перейти к строительству менее опасных, но более экономных малых ГЭС.

Проблемы высыхающего Арала — это проблемы миллионов людей, проживающих в этом регионе, которые с надеждой о помощи обращаются в адрес такой авторитетной организации, как ООН.

Господин Председатель!

Пользуясь этой возможностью, хотел бы очень коротко проинформировать Саммит о тех конкретных шагах, сделанных Узбекистаном на пути достижения целей, заложенных в Декларации тысячелетия.

Прошло всего 19 лет с того времени, как Республика Узбекистан, став независимым государством, вошла в число полноправных членов ООН.

За годы независимого развития республика с ее односторонней гипертрофированной, сырьевой экономикой, разрушительной монополией по производству хлопка-сырца, примитивной производственной и социальной инфраструктурой, низким душевым потреблением вышла на рубежи, которые полностью изменили ее облик и место в мировом сообществе.

За эти годы валовой внутренний продукт вырос в 3,5 раза, а в расчете на душу населения — в 2,5 раза, средняя заработная плата в 14 раз. Затраты государства на социальную сферу Республики Узбекистан и социальную защиту выросли более чем в 5 раз. Ежегодно более 50 про-

центров Государственного бюджета направляется в социальную сферу.

Обеспеченность чистой питьевой водой населения сегодня достигла 82,5 процента, а природным газом — 83,5 процента, сделаны решительные шаги по коренному реформированию и развитию здравоохранения, ликвидации и существенному сокращению тяжелых инфекционных заболеваний.

Уровень материнской смертности сократился более чем в 2 раза, детская смертность — в 3 раза. Средняя продолжительность жизни людей за этот период увеличилась с 67 до 73 лет, а женщин — до 75 лет. Сегодня 48 процентов всех занятых в стране составляют женщины.

Несмотря на серьезное воздействие мирового финансово-экономического кризиса Узбекистан в числе немногих государств в мире сохраняет стабильно высокие темпы роста экономики и надежно действующую финансово-банковскую систему.

Так, за 2008—2009 годы темпы роста экономики составили соответственно 9 и 8,1 процента, а в текущем году ожидаются на уровне 8,5 процента. Внешний государственный долг не превышает 10 процентов к ВВП.

Основой этих достижений явилась принятая в первые же годы нашей независимости собственная модель демократизации страны, перехода к социально ориентированной свободной рыночной экономике, базирующаяся на таких принципах, как деидеологизация экономики и ее приоритет над политикой, возложение на госу-

дарство роли главного реформатора, обеспечение верховенства закона, проведение сильной социальной политики, поэтапность и постепенность в реализации реформ.

Мы изначально отказались от навязываемых нам методов шоковой терапии, обманчивых представлений о саморегулировании рыночной экономики, выбрали эволюционный подход в процессе перехода от административно-командной к рыночной системе управления, действуя по принципу: «Не построив нового дома, не разрушай старый», а также «реформы не ради реформ, а для человека».

Хотел бы особо подчеркнуть ту огромную роль и значение, которые приобретают во всех этих изменениях образовательный процесс и рост уровня сознания людей.

Ежегодные расходы на образование в Узбекистане составляют 10—12 процентов от ВВП, в то время как в мировой практике этот показатель не превышает 3—5 процентов. В стране реализована уникальная Национальная программа по подготовке кадров, с 2009 года введено обязательное 12-летнее образование.

Важнейшую свою перспективу Узбекистан видит во вхождении в число развитых государств мира, продолжении и углублении политических, экономических реформ и модернизации страны, формировании гражданского общества и на этой основе обеспечить достойную жизнь своих граждан.

В заключение хотел бы подчеркнуть, что Узбекистан поддерживает предложенный Генераль-

ным секретарем ООН Пан Ги Муном Глобальный план действий по ускорению прогресса в достижении Целей развития тысячелетия, в реализации которого намерен принять самое активное участие.

Спасибо за внимание.

*г. Нью-Йорк,  
20 сентября 2010 г.*

**ОТЗЫВЫ И КОММЕНТАРИИ  
ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ЗАРУБЕЖНЫХ  
ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ КРУГОВ  
НА ВЫСТУПЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
И.А. КАРИМОВА  
НА ПЛЕНАРНОМ ЗАСЕДАНИИ ВЫСОКОГО  
УРОВНЯ ПО ЦЕЛЯМ РАЗВИТИЯ ТЫСЯЧЕЛЕТИЯ  
ГЕНЕРАЛЬНОЙ АССАМБЛЕИ ООН**



## **I. ВОПРОСЫ УРЕГУЛИРОВАНИЯ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ**

Вопрос урегулирования ситуации в Афганистане по-прежнему остается одной из острейших проблем современности. Конфликт в Афганистане — это проблема не только этой страны или ее соседей. Последствия конфликта непосредственно и крайне негативно влияют на региональную и глобальную безопасность.

В этих условиях особую роль в плане поиска путей урегулирования афганской проблемы играет Узбекистан. В течение последнего десятилетия республика находится на переднем крае международных усилий по урегулированию афганского кризиса.

Проблема Афганистана вызывает серьезную озабоченность в Узбекистане не только в силу тесной географической близости с этой страной, но и по ряду других причин. Обстановка в этой стране представляет собой непрерывную угрозу для Центральной и Южной Азии.

Еще на заре независимости Республики Узбекистан Президент И.А. Каримов с самых высоких международных трибун бил в набат, настойчиво призывая мировое сообщество не оставаться равнодушным к судьбе Афганистана и

принять все от него зависящие меры для установления мира и порядка на этой земле. На саммитах ООН в Нью-Йорке в 1993, 1995 и 2000 годах лидер Узбекистана вновь и вновь говорил об угрозах международной безопасности, исходящих из Афганистана. Он неоднократно предупреждал, что «афганская» война не может долгое время ограничиваться территорией только самого Афганистана и в любой момент может произойти эскалация, которая приведет к катастрофическим последствиям даже в государствах, находящихся далеко за морями и океанами.

Ряд экспертов считают, что если бы мировое сообщество своевременно прислушалось к призывам Президента И.А. Каримова, возможно, удалось бы предотвратить нынешнюю трагедию, ставшую причиной начала глобальной и еще более разрушительной, но малоэффективной войны под названием «борьба с международным терроризмом».

Сегодня приходится констатировать, что избранная стратегия коалиционных сил по умиротворению Афганистана не приносит ожидаемых результатов. Каждый день продолжения войны еще более усугубляет бедственное положение народа Афганистана, все больше загоняя в тупик решение проблем этой страны. Несмотря на проведение десятков международных конференций и встреч по афганской проблематике, все они характеризуются отсутствием реальной практической эффективности.



Особое беспокойство вызывает не только отсутствие конкретного плана решения афганской проблемы, но и некое «свыкание» с крайне критической ситуацией.

Именно поэтому Глава Узбекистана с высокой трибуны Саммита ООН по ЦРТ в Нью-Йорке вновь привлек внимание мирового сообщества к ключевым аспектам разрешения афганской проблемы, посредством деятельности контактной группы «6+3».

Предложение руководителя Узбекистана нацелено на урегулирование афганской проблемы исключительно политическими средствами в рамках ООН, что лежит в основе долгосрочных усилий Узбекистана на данном направлении.

Узбекистан выдвинул эту инициативу еще в апреле 2008 года на Саммите НАТО в Бухаресте, базируясь на позитивном опыте функционирования под эгидой ООН контактной группы «6+2» по Афганистану. В рамках эффективно действовавшей в 1997—2001 годах такой группы были выработаны общие принципы и единые подходы к урегулированию афганского кризиса. Именно эта контактная группа смогла подготовить и провести в Ташкенте в июле 1999 года встречи противоборствующих сторон и принять Ташкентскую декларацию «Об основных принципах урегулирования конфликта в Афганистане», на основе которой было принято соответствующее решение Совета Безопасности ООН, признавшего итоги Ташкентской встречи важным шагом

на пути политического решения афганской проблемы.

Как само выступление Президента И.А. Каримова на Саммите ООН, так и его раздел по Афганистану, где он еще раз изложил свои предложения по разрешению афганской проблемы, вызвали огромный интерес в мире.

Видные общественно-политические деятели, представители экспертно-аналитических кругов зарубежных стран, средства массовой информации, комментируя речь руководителя Узбекистана, отмечают ее емкость и лаконичность, глубокое и всестороннее понимание сути затрагиваемых проблем, взвешенность и дальновидность подходов к их решению.

Искренностью и личным обаянием И.А. Каримов завоевал доверие присутствующих, аргументированно донес до слушателей свои идеи. По окончании выступления зал Генеральной Ассамблеи аплодировал оратору.

Как отмечают международные наблюдатели, в оценках Ислама Абдуганиевича Каримова нашли отражение «реализм и прагматизм», определены «новые цели и ориентиры», сделаны «понятные простому человеку выводы». Эксперты признают, что «Руководитель Узбекистана всегда умеет найти правильную тональность и включает в свои выступления конкретику, что делает его речь интересной и политикам, и экспертам, и обычным гражданам».

Ниже приводятся некоторые из откликов, мнений и оценок зарубежных политологов, экс-

пертов-аналитиков, представителей общественно-политических кругов и СМИ относительно идеи Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова по разрешению ситуации в Афганистане.

## **Афганистан**

**Доктор Хуссейн Али Яса, главный редактор англоязычной газеты «Дейли аутлук Афганистан»:**

— Один из важнейших моментов в речи Президента Узбекистана — поиск альтернативных путей по решению наболевшей и усугубляющейся с каждым днем проблемы Афганистана.

Слова И.А. Каримова о том, что проблемы своей страны должны решаться самими афганцами при содействии тех стран, которые, исходя из своих интересов безопасности, заинтересованы в окончании войны и стабильном будущем Афганистана, являются на сегодня знаковыми, глубоко продуманными и дальновидными, нацеленными на достижение конкретной цели — установление мира на афганской земле.

Заслуживает всяческого уважения и благодарности твердая и четкая позиция Президента Узбекистана, который в трудный для Афганистана период предлагает конкретные и всеобъемлющие шаги по прекращению войны в стране, исходя, прежде всего, из интересов афганского народа, будущего всего Афганистана.

Это в очередной раз демонстрирует не только принципиальность внешней политики Узбекистана, но и глубокое знание Президентом И.А. Ка-

римовым всех перипетий нынешнего военно-политического положения в Афганистане, реальных и действенных путей по установлению мира и благополучия в этой истерзанной войной стране.

## **Пакистан**

**Саид Мушахид Хусейн, Генеральный секретарь партии «Мусульманская Лига»:**

— Президент И.А. Каримов неоднократно проявлял принципиальность и умение отстаивать национальные интересы, независимо от складывающейся региональной или глобальной геополитической обстановки.

7 октября 1992 г. на пресс-конференции по итогам визита в Узбекистан Президента Афганистана Б.Раббани И.А. Каримов заявил о намерении Ташкента наладить транспортный коридор с Южной Азией через Афганистан, что создало бы возможности для обеспечения мира и стабильности, экономического прогресса народов региона. Анализ сегодняшних событий в регионе показывает дальновидность и стратегическое видение И.А. Каримова. Под его руководством Узбекистан внес самый значительный вклад в строительство транспортной инфраструктуры и энергетической безопасности Афганистана.

Узбекские специалисты в 2008 г. осуществили первый проект по возведению линий электропередачи до Кабула через северные провинции Афганистана. Узбекистан также стал первым из стран региона в деле строительства железнодо-

рожного сообщения с ИРА, продвинув проект «Термез — Хайратон — Мазари — Шариф», пуск которого ожидается в текущем году.

Для нас, пакистанских политиков, особую важность представляют три важных политических тезиса, высказанных лидером Узбекистана на Саммите ЦРТ в Нью-Йорке. Во-первых, важность реализации проектов социально-экономического развития в Афганистане. Во-вторых, Президент И.А. Каримов стал первым лидером из стран региона, выдвинувшим актуальную региональную инициативу для геополитической безопасности, т.е. предложения «6+2» и «6+3» для решения афганской проблемы. Данная формула учитывает интересы не только шести граничащих с Афганистаном стран региона, но и предусматривает вовлечение в этот процесс ключевых партнеров.

В-третьих, на мой взгляд, весьма правильным было то, что Президент И.А. Каримов в своем выступлении показал актуальность государственной поддержки сферы образования. Я посетил Узбекистан в 2007 и 2009 гг. и смог убедиться в масштабных вложениях, сделанных в эту сферу. Этим достижениям объективно позавидует любая страна в регионе и других регионах мира.

**Ариф Аюб, политический обозреватель газеты «The Nation», эксперт по вопросам региональной безопасности:**

— Президент Узбекистана И.А. Каримов в очередной раз подчеркнул необходимость сделать

акцент на экономическом развитии Афганистана. Решение проблемы должно быть достигнуто через переговоры, а не военным решением, что уменьшит влияние экстремистов. Включение региональных стран в дипломатические усилия ради нейтральности Афганистана и достижения региональной стабильности полностью учтены в узбекской инициативе «6+3».

Пакистан всегда рассматривает этот форум в качестве чрезвычайно важного механизма для обсуждения афганской проблемы и выработки компромиссного решения, свободного от усилий афганцев, играющих на интересах различных стран.

## **США**

**Дэвид Мартин, профессор Университета Стрэйера (Вирджиния):**

